



**ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ”  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING**

**УСТАВ ва ДАСТУРИ**  
(янги тахрирда)

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик  
партиясининг 2019 йил 1 ноябрдаги  
VI Съездида тасдиқланган**

*(2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларда  
Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиядан  
қўрсатилган номзодлар учун)*

**БИЗ УЧУН ЭНГ МУҲИМИ –  
ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИДИР!**



## ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING УСТАВИ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (бундан буён матнда Партия деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонуний манфаатлари ва сиёсий иродасини ифода этувчи сиёсий ташкилотдир. Партия Ўзбекистонни ривожлантиришнинг – Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” – умуммиллий ғоялари атрофига бутун жамиятни жипшлаштиришга асосланган йўлини қўллаб-қувватлайди. Бу ғоя Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва роли, давлатнинг тактик ва стратегик мақсадлари ва вазифалари, унинг янги халқаро шароитларда ҳамда геосиёсий воқеликларда миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш борасидаги амалий қадамларини фуқаролар томонидан тўғри идрок этиш ва англашига асосланади.

Партиянинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси бўлиб, у жамиятнинг турли гуруҳлари ва қатламларига мансуб бўлган, миллий манфаатлар ва қадриятларни устувор қўйган ҳамда миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда, юртнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда онгли ва масъулиятли тарзда иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ихтиёрий асосда бирлаштиради.

1.2. Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Уставга мувофиқ амалга оширади.

1.3. Партиянинг фаолияти қонунийлик, очиқлик, ошкоралик, ватанпарварлик, умуммиллий бирдамлик, адолат, бағрикенглик, маънавий етуклик, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, партияга кириш ва чиқишнинг ихтиёрийлиги ҳамда ўз аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги принципларига асосланади.

1.4. Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.5. Партия юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

1.6. Партия ўз муҳри, тамғаси, бланкаларига ва Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб-китоб рақамларига эга бўлади.



Партия ўз мол-мулкига ҳамда мулкрий ва номулкий ҳуқуқларга эгадир.

1.7. Партиянинг тўлиқ расмий номи:

– ўзбек тилида: Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси;

– рус тилида: Демократическая партия Узбекистана “Миллий тикланиш”;

– қорақалпоқ тилида: Ўзбекстан “Миллий тикланиш” демократиялык партиясы;

– инглиз тилида: Democratic Party of Uzbekistan “Milliy tiklanish”

Партиянинг қисқа расмий номи:

– ўзбек тилида: ЎзМТДП;

– рус тилида: ДПУз “Миллий тикланиш”;

– қорақалпоқ тилида: ӨзМТДП;

– инглиз тилида: DPU “Milliy tiklanish”.

1.8. Партия ўз рамзлари сифатида байроғи, эмблемаси ва вимпелларига эга бўлиши мумкин.

1.9. Партиянинг доимий фаолият кўрсатувчи раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 53-уй.

## II. ПАРТИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Партиянинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

– барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш, маънавий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар, бой тарихий меросни сақлаш ва бойитиш, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиш;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англаш ҳиссини ошириш, миллий ғурур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш;

– ўз сафида юртнинг ватанпарварларини бирлаштириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини Ўзбекистон манфаатлари ҳамда унинг халқаро обрў-эътиборини ошириш йўлида сафарбар этиш;

– ёшларни миллий мустақиллигимизни, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш, ўзлари қизиққан касб-хунарга йўналтиришга кўмаклашиш ҳамда ёшлар онги учун зарарли бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга ҳисса қўшиш, уларнинг Ватан равнақи йўлидаги амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш.

2.2. Партия ўз мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

– аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади, Партиянинг мақсад ва вазифаларини аҳолига етказишга қаратилган дастурларни амалга ошириш чораларини кўради, аҳолини Партия дастури, жорий фаолияти ҳақида хабардор қилади, Партиянинг сайловларда иштирок этувчи номзодлари учун сайловолди ташвиқотини ташкил этади;

– ёшлар билан мунтазам иш олиб боради, уларни Партиянинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширилишида иштирок этишга жалб қилади, Партия мафқурасини ёқловчи сиёсий фаол фуқароларнинг ёш авлодини шакллантиришга кўмаклашади;

– жамоатчилик эътиборини муҳим ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий муаммоларга қаратади ҳамда бу муаммоларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш йўллари тўғрисида ижобий ижтимоий фикрни шакллантиради;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг манфаатлари, эҳтиёжларини ўрганади, таҳлил этади ва умумлаштиради, ўз эътиборини муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларга қаратади, янги қонунлар ва давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳалари юзасидан таклифлар киритиш воситасида ўз сайловчиларининг манфаатларини амалга ошириш шаклларини излаб топади;

– хотин-қизларнинг гендер тенглиги асосида қўллаб-қувватланишига ҳамда уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратади;

– республикамиз ҳудудида “оммавий маданият”ни тарқалишига қарши кураш олиб боради, ёшларни бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишларини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар белгилайди;

– бошланғич партия ташкилотлари раҳбарларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги Партия фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзоларининг, шунингдек, бошқа фаолларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш чора-тадбирларини кўради. Партия олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ва келгусида Партия раҳбар органлари лавозимларига ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда иштирок этиш учун номзодлар кўрсатиш мақсадида Партиянинг кадрлар захирасини тайёрлайди;

– халқ депутатлари туман (шаҳар), вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига



ўтказиладиган сайловларда шакллантириладиган барча сайлов округлари бўйича Партиядан номзод кўрсатиш орқали демократик сайловларда фуқароларнинг тўлақонли иштирок этишини таъминлайди;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этади;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Партия фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати этиб сайланган Партия аъзоларига ёрдам кўрсатади, улар орқали Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилишга йўналтирилган сиёсий ташаббуслар билан чиқади;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан бевосита ҳамкорликни амалга оширади.

### III. ПАРТИЯГА АЪЗОЛИК

3.1. Ўн саккиз ёшга тўлган, партиянинг мақсад ва вазифаларини ёқловчи, унинг Уставига амал қилувчи ҳамда фаолиятида фаол иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси партиянинг аъзоси бўлиши мумкин.

3.2. Партияга аъзолик – яқка тартибда ихтиёрий қайд этиладиган бўлади.

3.3. Партияга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ёзма аризаси асосида бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши томонидан ҳал қилинади. Партияга қабул қилиш Партиянинг тегишли туман (шаҳар) ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

3.4. Партияга аъзолик Партиянинг аъзолик гувоҳномаси билан тасдиқланади.

3.5. Партияга аъзолик бошқа партияларга аъзолик билан бирга бўлиши мумкин эмас.

3.6. Партияга аъзолик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

– ўз ихтиёрига кўра (бошланғич, туман ёки шаҳар партия ташкилотига ёзма аризаси асосида);

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум бўлганда;

– суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

– ҳарбий хизматга, давлат хавфсизлик хизматида, прокуратура ва ички ишлар органларига, Миллий гвардияга ишга ўтганда, судья этиб тайинланганда (сайланганда);

– Партиянинг Уставига риоя этмаганлик учун, шунингдек Партия обрўсига путур етказувчи ёки унинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳаракатлар учун Партия сафидан чиқарилганда;

– вафот этганда.

3.7. Партияга аъзоликни тугатиш ёки тўхтатиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилоти йиғилиши ёки туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Партия сафидан чиқариш тўғрисидаги қарор бошланғич ёки туман (шаҳар) партия ташкилоти йиғилиши томонидан қабул қилинади ва кейинчалик тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади. Партия сафидан чиқариш тўғрисидаги қарор устидан юқори партия органларига шикоят қилиниши мумкин.

3.8. Партияга аъзолик қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда тўхтатилиши мумкин. Аъзоликни тўхтатиш туман (шаҳар) ёки бошланғич партия ташкилотининг ёзма хабарномаси асосида амалга оширилади.

3.9. Партия аъзоларини ҳисобга олиш Ҳисобга олиш варақаси, электрон маълумотлар базаси ва Партия аъзоларининг рўйхати асосида амалга оширилади.

#### IV. ПАРТИЯ АЪЗОСИНING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Партия аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Партиянинг дастурий ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

– Партиянинг турли даражадаги ташкилотлари ўтказадиган ташкилотларда иштирок этиш;

– Партиянинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатлигига номзод этиб кўрсатилиш;

– ўз фикрини эркин ифода этиш, Партия фаолиятига доир масалаларни муҳокама қилиш, оғзаки ёки ёзма шаклда таклифлар киритиш;

– Партиянинг исталган идорасига ўзини қизиқтирувчи масалалар юзасидан мурожаат қилиш ва тегишли жавоб олиш;

– Партия ва унинг сайланадиган органлари фаолияти тўғрисида маълумот олиш;

– Партияга янги аъзоларни жалб қилиш юзасидан иш олиб бориш.



Партия аъзоси қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Партия аъзосининг мажбуриятлари қуйидагилар:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, жамиятнинг маънавий принципларига ва ахлоқий меъёрларига риоя қилиш;

– Партия Устави ва Дастури, Партия аъзосининг Этика кодекси талабларига сўзсиз риоя қилиш;

– Партия раҳбар органларининг қарорларини бажариш;

– Партиянинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ғояларини, мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш, уларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиш;

– Партиянинг сиёсий манфаатларига путур етказувчи ёки уни обрўсизлантирувчи ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) йўл қўймаслик;

– Партия фаолиятида шахсан иштирок этиш, ҳаракатлари ва фаолияти билан Партияга мансублигини исботлаш, унинг аҳоли ўртасида обрў-эътибори ва таъсири ортиб боришига қўмаклашиш;

– аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш;

– турар жойи ўзгарган ҳолда ўз вақтида ҳисобга туриш.

## V. ПАРТИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

5.1. Партия Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ ҳудудий принцип бўйича тузилади. Партия тузилишининг асосини ҳудудий, туман (шаҳар) ва бошланғич партия ташкилотлари ташкил этади.

5.2. Ҳудудий партия ташкилоти – Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маъмурий ҳудудида ташкил этилган таркибий бўлинмасидир. Ҳудудий ташкилот Партиянинг Марказий кенгаши қарорига кўра ташкил этилади ва тугатилади.

5.3. Туман (шаҳар) партия ташкилоти – Партиянинг туман ва шаҳарларда ташкил этилган таркибий бўлинмасидир. Туман (шаҳар) партия ташкилоти тегишли ҳудудий партия ташкилоти таклифига кўра, Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори билан ташкил этилади ва тугатилади.

5.4. Туман ва шаҳарларда бевосита Партия аъзоларининг яшаш жойи ва иш жойига кўра бошланғич партия ташкилотлари ташкил этилади. Улар Партиянинг қуйи тузилмаси бўлиб, аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан бевосита иш олиб бориш ва уларга таъсир кўрсатиш юзасидан имкониятларга эга бўлади.

Бошланғич партия ташкилоти ҳар томонлама билимли, обрў-этиборли ҳамда сиёсий етук ва ижтимоий фаол бўлган Партия аъзоларининг ихтиёрий бирлашуви асосида туман (шаҳар) партия ташкилоти йиғилиши қарори билан ташкил этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармаларда ҳамда таълим муассасаларида бошланғич партия ташкилотлари ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

5.5. Партиянинг юқори турувчи раҳбар органлари ҳудудий, туман (шаҳар), бошланғич партия ташкилотларининг қарорларини бекор қилиш ёки уларнинг ижро этилишини тўхтатиб туришга ҳақлидир.

## VI. ПАРТИЯНИНГ РАҲБАР ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ

6.1. Партиянинг олий раҳбар органи Партия Съезди бўлиб, у беш йилда камида бир марта чақирилади.

6.2. Навбатдан ташқари Съезд Партия Марказий кенгаши Ижроия кўмитасининг, Партия Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг тақлифига кўра ёки Партия аъзоларининг умумий сонидан камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи бир нечта ҳудудий партия ташкилотларининг талабига кўра Марказий кенгаш қарори билан чақирилади. Навбатдаги ва навбатдан ташқари Съездни чақириш тўғрисидаги қарор Партия Марказий кенгаши томонидан қабул қилинади. Бу қарорда, шунингдек Съезднинг кун тартиби лойиҳаси, вакиллик миқдори ва делегатларни сайлаш тартиби белгиланади.

6.3. Съезд делегатлари Партиянинг ҳудудий ташкилотларида ҳисобда турган аъзолари ва партия хайрихоҳлари орасидан Конференцияларда Партия Марказий кенгаши томонидан белгиланган вакиллик миқдори бўйича сайланади. Тасдиқланган вакиллик миқдоридан ташқари, Партия Марказий кенгаши, Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Партия фракциясининг аъзолари ҳам Съезд делегати бўлишади.

6.4. Съезднинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- делегатлар ваколатларини текшириш, ўзининг иш тартибини белгилаш, зарур раҳбар ва ишчи органларини сайлаш;
- Партия Уставини ва Дастурини қабул қилиш ҳамда тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- Партия фаолиятининг асосий стратегик йўналишларини белгилаш;
- Марказий кенгаш ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сонини белгилаш;





– Марказий кенгаш аъзолари ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини беш йил муддатга сайлаш ҳамда вазифаларидан муддатидан илгари озод қилиш (Уставнинг 6.5.6.-банди ва 6.10.6-бандидаги ҳолатлар бундан мустасно);

– Партиянинг матбуот органини таъсис қилиш;

– Партия Марказий кенгаши, Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш;

– Партия Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

– Партияни қайта ташкил этиш ёки фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод кўрсатиш;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш (Уставнинг 6.5.6.-бандидаги ҳолатлар бундан мустасно).

Съезд Партия фаолиятига тааллуқли бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Съезд қарорлари Партиянинг барча органлари, ташкилотлари ва аъзолари учун мажбурий кучга эга.

Съезд мазкур Уставда белгиланган айрим ваколатларини Марказий кенгашга бериши мумкин.

6.5. Съездлар орасидаги даврда Партиянинг марказий раҳбар органи Партия Марказий кенгашидир. У Партиянинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш юритади, Партия Дастурини, Партия съездлари ва Партия Марказий кенгашининг пленумлари қарорларини рўёбга чиқариш каби масалаларни амалга оширади.

6.5.1. Партия Марказий кенгаши қуйи партия ташкилотларининг, Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиши ва тегишли қарорлар қабул қилиши мумкин.

6.5.2. Съездлар оралиғидаги даврда Партия Марказий кенгаши зарур ҳолларда Партия Марказий кенгаши аъзоларидан ташкил топган пленумни чақариши мумкин.

6.5.3. Партия Марказий кенгашининг аъзолари Съездда беш йил муддатга сайланади. Партия Марказий кенгаши аъзоларининг сони ва таркиби Съезд томонидан белгиланади.

6.5.4. Худудий партия ташкилотлари Кенгашларининг раислари Партия Марказий кенгашининг сайланмайдиган аъзолари бўлади. Пленум томонидан Партия Марказий кенгашининг таркибига

ўзгартишлар киритилиши мумкин ва кейинчалик улар Съездда тасдиқланади.

6.5.5. Партия Марказий кенгашининг пленуми Партия Марказий кенгашининг асосий фаолият шакли бўлиб, йилига камида икки марта Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан чақирилади. Партия Марказий кенгаши аъзоларининг ярмидан кўпининг ташаббусига кўра навбатдан ташқари пленум чақирилиши мумкин.

6.5.6. Партия Марказий кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Партиянинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;
- Партиянинг рамзларини тасдиқлаш;
- Съезд чақириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Партия Марказий кенгашининг Ижроия қўмитаси таркиби сонини белгилаш ва аъзоларини сайлаш;
- Партия Марказий кенгашининг раисини ва раис ўринбосарларини 5 йил муддатга сайлаш ҳамда муддатидан илгари лавозимидан озод этиш;
- Партиянинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиётига доир масалалар юзасидан нуқтаи назарини белгилаш ҳамда дастурий ҳужжатлар қабул қилиш;
- Партия Устави ва Дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифини кўриб чиқиш ҳамда Съезд кун тартиби лойиҳасига киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод кўрсатиш таклифини кўриб чиқиш ҳамда Съезд кун тартиби лойиҳасига киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш таклифини кўриб чиқиш ҳамда Съезд кун тартиби лойиҳасига киритиш;
- у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни сайловга кечи билан ўн беш кун қолганда бекор қилиш ва бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилганда, депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиш;
- Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига бўшаб қолган



ўринларга номзодларни кўрсатиш ҳамда уларнинг сайловолди компаниясини олиб боришга кўмаклашиш;

– Съездлар оралиғидаги даврда Партия Марказий кенгаши таркибидан аъзоларни чиқариш ва чиқиб кетган аъзолар ўрнига янги аъзоларни сайлаш (улар кейинчалик навбатдаги Съездда тасдиқланади);

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Партия фракциясининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ҳисоботини тинглаш;

– Партия Дастурини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшган Партия аъзоларини давлат мукофотларига тақдим этиш;

– Партия молиявий сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Партия бюджетини тасдиқлаш;

– Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девонининг тузилмаси, таркиби, сони ва иш тартибини тасдиқлаш;

– ҳудудий партия ташкилотларини ташкил этиш ҳамда ҳудудий партия ташкилоти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

– Партия матбуот органлари бош муҳаррирларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, таҳририят Уставини тасдиқлаш;

– аъзолик бадаллари миқдорини ва уларни тўлаш тартибини белгилаш.

Партия Марказий кенгаши Съезд томонидан берилган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.5.7. Партия Марказий кенгаши мазкур Уставда кўрсатилган ваколатларидан баъзиларини Партия Марказий кенгашининг Ижроия қўмитасига бериши мумкин.

6.6. Партия Марказий кенгашининг пленумлари оралиғидаги даврда Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси унга ушбу Устав ва Партия Марказий кенгаши томонидан берилган ваколатлари доирасида Партия манфаатларини ифода этади ва унинг номидан ҳаракат қилади.

6.6.1. Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси мажлислари зарур бўлган ҳолларда, лекин уч ойда камида бир марта ўтказилади.

6.6.2. Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси:

– Партия Съездлари ва Партия Марказий кенгаши пленумларининг чақирилиши ва ўтказилишини ташкил этади;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларда Партиянинг иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилади;

– давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий вакиллик органларига номзодларни танлаб олиниши ва тақдим этилишини ташкил этади;



- Партия иштирок этадиган сайлов кампаниялари ўтказилиши учун масъул бўлади;

- Партия аъзоларининг марказлаштирилган ҳисобини юритади;

- Партия аъзолик бадаллари келиб тушишининг марказлаштирилган ҳисобини юритади;

- Партия матбуот органлари бош муҳаррирлари ўринбосарларини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади ҳамда Хайъати таркибини тасдиқлайди;

- Партия аъзолари, барча даражадаги партия ташкилотлари раҳбар ва ходимлари, барча даражадаги депутатлар бирлашмалари аъзоларини белгиланган тартибда ўқитиш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш доирасида қабул қилинган махсус дастурлар ва режаларнинг ижро этилишини таъминлайди;

- Партиянинг йиллик бюджети лойиҳасини ишлаб чиқади ва Партия Марказий кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;

- Партия муассасалари, корхоналарини ташкил этади, уларнинг Уставларини тасдиқлайди, раҳбарларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда уларнинг фаолиятини назорат қилади;

- туман (шаҳар) партия ташкилотларининг мақомини, ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг раисини ҳамда раис ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлайди;

- ҳудудий ва туман (шаҳар) партия ташкилотларининг ташкилий тузилмасини тасдиқлайди;

- Партия аъзосининг Этика кодексини тасдиқлайди;

- туман (шаҳар) партия ташкилоти тўғрисидаги Низомни, Партия фаолиятига оид ҳужжатларни (Партия Съезди ва Марказий кенгаши ваколатларига кирувчи ҳужжатлар бундан мустасно) тасдиқлайди, молиявий-хўжалик фаолиятга оид ҳужжатларни кўриб чиқади ва тасдиқлаш учун Партия Марказий кенгашига киритади;

- Ижроия қўмита Партия Марказий кенгаши олдида ҳисобдордир.

6.6.3. Ўзининг ваколатларига кирувчи масалалар бўйича Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси қарорлар ва фармойишлар қабул қилади, мазкур ҳужжатлар Партия Марказий кенгашининг раиси ёки унинг тегишли йўналишдаги ўринбосарлари томонидан имзоланади.

6.7. Партия Марказий кенгашининг раиси қуйидаги ваколатларга эга:

- Партия Марказий кенгаши пленумларига раислик қилиш;



– Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси мажлисларида раислик қилиш;

– заруратга кўра ўзи иштирок этган ҳудудий партия ташкилотлари пленумларида иштирок этиш ва раислик қилиш;

– Партия Марказий кенгаши ва Ижроия қўмитасининг қарор ва фармойишларини имзолаш;

– Марказий кенгаш раиси ўринбосарлари ўртасида вазифалар тақсимотини белгилаш;

– Партия Марказий кенгашининг Ижроия қўмитаси, ҳудудий партия ташкилотлари девонларининг ходимлари штатлар жадвалини тасдиқлаш;

– Партия фаолиятига оид молиявий ҳужжатларни имзолаш ёки ушбу ваколатни ўзининг ўринбосарларидан бирига юклаш;

– Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари Кенгашлари раҳбарлари ва Ижроия қўмиталари девонлари раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини белгиланган тартибда тузиш ва бекор қилиш;

– Партия олдида турган алоҳида вазифаларни ҳал қилиш мақсадида Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси қошида комиссиялар, ишчи ва эксперт гуруҳларини тузиш ва уларнинг мақомларини белгилаш;

– ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича фармойиш ва буйруқлар чиқариш;

– Партия Уставига мувофиқ Партия Съезди, Марказий кенгаши ва Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг ваколатларига кирмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

6.8. Партия Марказий кенгаши раиси ўринбосарларининг, Партия таркибий бўлинмалари раҳбарларининг вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Партиянинг Марказий кенгаши томонидан белгиланади.

6.9. Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг жорий фаолиятини Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг девони амалга оширади.

Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девонининг тузилмаси, таркиби, сони, иш тартиби Партия Марказий кенгаши қарори билан тасдиқланади. Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девонининг масъул ходимлари Партия Марказий кенгаши раисининг буйруқлари билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

6.10. Партиянинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси.

6.10.1. Партиянинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси (бундан буён МНТК) Партиянинг марказий назорат қилувчи органи бўлиб,

Партиянинг раҳбар ва ижроия органлари, қўйи партия ташкилотлари фаолияти устидан ушбу Устав талаблари ҳамда Партия раҳбар органлари қарорларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади, шунингдек, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади.

6.10.2. МНТК Партия Съезди томонидан тасдиқланган Низом ва ушбу Устав асосида фаолият олиб боради.

6.10.3. МНТК Партия Съездида беш йил муддатга сайланади. МНТК аъзоларининг сони Партия Съезди томонидан белгиланади.

Партия Марказий кенгаши раҳбарлари ва аъзолари МНТК аъзоси бўлиши мумкин эмас.

6.10.4. МНТКнинг мажлисида унинг ваколат муддатига комиссия раиси ва ўринбосари сайланади.

6.10.5. МНТК мажлисларида Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари маслаҳат овози билан иштирок этиши мумкин.

6.10.6. МНТК ваколатларига қўйидагилар киради:

– Партия фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, Партия Дастури ва Уставининг қоидалари, съездлар, пленумлар қарорларининг Партия раҳбар, ижроия органлари ва барча даражадаги партия ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан назорат қилиш;

– Партия аъзоларидан келиб тушган муурожаатларни кўриб чиқиш;

– Партия тузилмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳамда йиллик Партия бюджети режасининг мақсадли ва самарали бажарилишини тафтиш қилиш;

– ўз таркиби доирасида фаолият юритувчи доимий ишчи орган тузиш;

– ҳудудий партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва зарур ҳолларда уларнинг ҳисоботларини эшитиш.

МНТК мажлисида унинг таркибига ўзгартишлар киритилиши мумкин ва кейинчалик улар Съездда тасдиқланади.

Молиявий-хўжалик фаолияти текшируви ўтказилаётганда барча мансабдор шахслар ва штатдаги ходимлар МНТК талабига кўра зарур ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тушунтиришлар бериши шарт.

МНТК аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар ва таклифларни Партия раҳбар органларига, шу жумладан партия Съезди даражасигача киритишга ҳақлидир.

Ҳудудий партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссиялари МНТК талабига кўра партия ташкилотининг Партия раҳбар органлари қарорларининг бажарилиши, Партия Уставига



ва молиявий интизомга риоя қилиниши борасидаги фаолияти тўғрисидаги зарур ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этишлари шарт.

6.10.7. МНТК фақат Партия Съезди олдида ҳисобдордир.

6.10.8. МНТК аъзолари барча даражадаги Партия раҳбар органларининг мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

6.10.9. МНТК мазкур Устав ва Съезд қарорларидан келиб чиқадиган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## VII. ПАРТИЯНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ

7.1. Худудий партия ташкилотлари – Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида ташкил этилган таркибий бўлинмаларидир. Худудий партия ташкилотлари туманларда ва шаҳарларда шакллантирилган Партия бўлинмаларининг фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида ташкил этилади.

7.2. Худудий партия ташкилотлари юридик шахс мақомига эга бўлади. Худудий партия ташкилотини ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари худудий партия ташкилотлари тўғрисидаги Низомда белгиланади.

7.3. Худудий партия ташкилотининг юқори раҳбар органи Конференциядир. Конференция худудий партия ташкилотининг Кенгаши томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади.

7.4. Худудий партия ташкилотининг навбатдан ташқари Конференцияси худудий партия ташкилоти Кенгашининг, Назорат-тафтиш комиссиясининг таклифига кўра ёки худудий партия ташкилоти аъзоларининг учдан бир қисмининг талабига биноан худудий партия ташкилоти Кенгаши қарори билан чақирилади.

7.5. Худудий партия ташкилотининг Конференцияси:

– Партия раҳбар органларининг қарорларида мувофиқ худудий партия ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради;

– худудий партия ташкилоти Кенгашини сайлайди, Кенгаш таркибини, аъзоларининг сонини ва унинг ваколатларини белгилайди (Уставнинг 7.6.3.-бандидаги ҳолатлар бундан мустасно);

– худудий партия ташкилоти Назорат-тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлайди ва улар сонини белгилайди (Уставнинг 7.9.3.-бандидаги ҳолатлар бундан мустасно);

– худудий партия ташкилоти Кенгаши, Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини эшитади ва тасдиқлайди;

– сайлов кампанияларида иштирок этиш, жойлардаги давлат

ҳокимияти вакиллик органларига номзодлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади (Уставнинг 7.6.5.-бандидаги ҳолатлар бундан мустасно);

– Партия Марказий кенгаши томонидан белгиланган тартибда ва вакиллик миқдорига мувофиқ Партия Съездида делегатлар сайлайди.

Конференция ҳудудий партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда белгиланган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7.6. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши тегишли ҳудудий партия ташкилотининг конференциялари оралиғидаги даврда раҳбар органи ҳисобланади, унинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш кўради.

7.6.1. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг пленумлари зарур ҳолларда, лекин бир йилда камида икки марта ўтказилади. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг қарорлари ҳисобдор органлар ва қўйи партия ташкилотлари учун мажбурийдир. Ушбу Уставда белгиланган ҳолатларда ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг қарорлари Партия Марказий кенгаши ёки Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

7.6.2. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг пленумида ҳудудий партия ташкилотининг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун 5 йил муддатга ушбу Кенгаш аъзолари ичидан ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг раиси ва унинг ўринбосарлари сайланади.

7.6.3. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг пленуми конференциялар оралиғидаги даврда ушбу Кенгаш таркибидан аъзоларни чиқариш ва чиқиб кетган аъзолар ўрнига янги аъзоларни сайлашга ҳақлидир (улар кейинчалик Конференцияда тасдиқланади).

7.6.4. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши ва Назорат-тафтиш комиссияси, тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органидаги депутатлар бирлашмасининг аъзолари ҳудудий партия ташкилоти Конференциясининг тўғридан-тўғри делегатлари ҳисобланади.

7.6.5. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши:

– ҳудудий партия ташкилоти Конференцияси чақирилиши ва ўтказилишини ташкил этади;

– ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия қўмитаси таркиби сонини белгилайди ва аъзоларини сайлайди;

– ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг раисини ва раис ўринбосарларини 5 йил муддатга сайлайди ҳамда муддатидан илгари лавозимидан озод этади;

– Партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

– сайловга кечи билан ўн беш кун қолганда у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни бекор





қилиши мумкин ва бундай шахс тегишли вилоят сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилгандан сўнг ҳамда депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунга қадар тегишли вилоят сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритади;

– тегишли халқ депутатлари Кенгаши айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинганда ва бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўшаб қолган депутатлик ўринларига номзодларни танлаш ва кўрсатиш юзасидан қарорлар қабул қилади;

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда уларнинг ҳисоботларини эшитади;

– ҳудуддаги Партия ташкилотлари кадрлари ва фаолларини белгиланган тартибда ўқитиш ҳамда малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, сиёсий партиялар, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга оширади;


– ҳудудий партия ташкилоти бюджетининг лойиҳасини ишлаб чиқади ва Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитасига тақдим этади;

– ҳудудий партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда белгиланган ҳамда ҳудудий партия ташкилоти Конференцияси томонидан берилган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.6.6. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши унинг ваколатларига кирувчи масалалар бўйича ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг раиси ёки ўринбосарлари томонидан имзоланадиган қарорлар ва фармойишлар қабул қилади.

7.7. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси тегишли ҳудудий партия ташкилотининг доимий фаолият кўрсатувчи органидир. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг пленумлари оралиғидаги даврда ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия қўмитаси унга берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудудий партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш кўради.

Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитасининг жорий фаолиятини ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитасининг девони амалга оширади.



Худудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича худудий партия ташкилоти Кенгашининг раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланадиган қарорлар қабул қилади.

Худудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорлари партиянинг тегишли худуддаги барча қўйи бўғинлари учун мажбурийдир.

#### 7.7.1. Худудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси:

– Партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади ва шу мақсадларда қўйи партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

– худудий партия ташкилоти Кенгаши пленумларининг қақририлиши ва ўтказилишини ташкил этади;

– давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига номзодларни танлаб олиниши ва тақдим этилишини ташкил этади;

– Партия иштирок этадиган сайлов кампанияларининг тегишли худудда ўтказилиши учун масъул бўлади;

– тегишли худудда Партия аъзоларининг ҳисобини юритади;

– тегишли худудда Партия аъзолик бадаллари келиб тушишининг ҳисобини юритади;

– худудий партия ташкилотининг молиявий масалаларини кўриб чиқади (6.5.6, 6.6.2, 13.6-бандларига мувофиқ);

– тегишли худуддаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш доирасида қабул қилинган махсус дастурлар ва режаларнинг ижро этилишини таъминлайди;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди.

Худудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси худудий партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда белгиланган ҳамда худудий партия ташкилоти Кенгаши томонидан берилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Худудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси худудий партия ташкилоти Кенгаши олдида ҳисобдордир.

7.8. Худудий партия ташкилоти Кенгашининг раиси қўйидаги ваколатларга эга бўлади:

– худудий партия ташкилоти Кенгаши пленумларининг, худудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитасининг мажлисларини олиб боради, ушбу пленум ва мажлисларнинг қарорларини имзолайди;



– ҳудудий партия ташкилотининг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади, ташкилот номидан ишларни ишончномасиз юритади, ишончномалар беради, битимлар, шартномалар тузади ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти раҳбарлари ва ходимлари, ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси девонининг ходимлари билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузади ва уларни бекор қилади;

– ҳудудий партия ташкилоти фаолиятига тааллуқли молиявий ҳужжатларни имзолайди ёки ушбу ваколатни ўринбосари, девон раҳбарига юклайди;

– ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан тегишли фармойиш ва буйруқлар чиқаради.

Ҳудудий партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда белгиланган ҳамда ҳудудий партия ташкилоти раҳбар органлари томонидан берилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7.9. Ҳудудий партия ташкилотининг Назорат-тафтиш комиссияси.

7.9.1. Ҳудудий партия ташкилотининг Назорат-тафтиш комиссияси ҳудудий партия ташкилотининг ва партия қўйи ташкилотларининг Устав қоидаларига риоя этиши, Партия раҳбар органлари қарорларини бажариши устидан назорат қилувчи ҳамда улар молия-хўжалик фаолиятини, партия ташкилоти бюджетининг шакллантирилиши, мақсадли ва самарали бажарилишини тафтиш қилувчи органдир.

7.9.2. Ҳудудий партия ташкилотининг Назорат-тафтиш комиссияси ўз таркибидан комиссия раисини сайлайди. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши раҳбарлари ва аъзолари Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари этиб сайланиши мумкин эмас.

7.9.3. Назорат-тафтиш комиссияси:


– ҳудудий партия ташкилоти ва туман (шаҳар) партия ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя этилиши, Партиянинг Устави ва Дастури, Партия раҳбар органлари қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

– ҳудудий партия ташкилоти ва туман (шаҳар) партия ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади;

– Партия аъзоларининг мурожаатларини кўриб чиқади.

Нazorat-тафтиш комиссияси аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар ва таклифларни ҳудудий партия ташкилоти раҳбар органларига, шу жумладан юқори партия ташкилоти даражасигача киритишга ҳақлидир.

Конференциялар оралиғидаги даврда ҳудудий партия ташки-



лотининг Назорат-тафтиш комиссияси ўзининг таркибига ўзгартишлар киритиши мумкин ва кейинчалик улар Конференцияда тасдиқланади.

7.9.4. Худудий партия ташкилотининг Назорат-тафтиш комиссияси худудий партия ташкилоти Конференцияси ва МНТК олдида ҳисобдордир.

7.9.5. Худудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Партия Устави, худудий партия ташкилоти тўғрисидаги Низом ва Партия Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раҳбарий ҳужжатларига амал қилади.

## VIII. ТУМАН (ШАҲАР) ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

8. Туман (шаҳар) партия ташкилоти – Партиянинг туманларда (шаҳарларда) ташкил этилган таркибий бўлинмасидир. Туман (шаҳар) партия ташкилоти бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида ташкил этилади. Туман (шаҳар) партия ташкилоти ўз фаолиятини тегишли маъмурий-худудий тузилма доирасида амалга оширади.

Туман (шаҳар) партия ташкилотларининг юридик шахс сифатида фаолият юритиш масаласи Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан ҳал этилади.

Туман (шаҳар) партия ташкилотини ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари туман (шаҳар) партия ташкилотлари тўғрисидаги Низомда белгиланади.

8.1. Туман (шаҳар) партия ташкилотининг юқори раҳбар органи унинг Конференциясидир. Ташкилот Конференцияси туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади.

8.2. Туман (шаҳар) партия ташкилотининг навбатдан ташқари Конференцияси туман (шаҳар) партия ташкилотининг Кенгаши тақлифига кўра ёки туман (шаҳар) партия ташкилоти аъзоларининг учдан бир қисмининг талабига биноан туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши қарори билан чақирилади.

8.3. Туман (шаҳар) партия ташкилотининг Конференцияси ваколатларига қуйидагилар киради:

– Партиянинг дастурий мақсадлари, Партия Съезди, Марказий кенгаши, Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси, тегишли худудий партия ташкилоти раҳбар органларининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш;



– туман (шаҳар) партия ташкилотининг Кенгашини сайлаш, Кенгаш таркибини ва аъзоларининг сонини белгилаш (Уставнинг 8.4.3.-бандидаги ҳолатлар бундан мустасно);

– туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг ҳисоботларини эшитиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

– халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутатлигига белгиланган тартибда номзодлар кўрсатиш (Уставнинг 8.5.-бандидаги ҳолатлар бундан мустасно);

– тегишли юқори ҳудудий партия ташкилоти Конференциясига делегатларни сайлаш;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

8.4. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши тегишли туман (шаҳар) партия ташкилотининг конференциялари оралиғидаги даврда раҳбар орган ҳисобланади, унинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш кўради.

8.4.1. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг пленумлари зарур бўлган ҳолларда, лекин бир йилда камида икки марта ўтказилади. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг қарорлари ҳисобдор партия органлари учун мажбурийдир. Ушбу Уставда белгиланган ҳолатларда Кенгашнинг қарорлари тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.


8.4.2. Туман (шаҳар) партия ташкилотининг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун туман (шаҳар) партия ташкилотининг Кенгаши пленумида унинг таркибидан 5 йил муддатга тегишли Кенгашнинг раиси ва унинг ўринбосарлари сайланади. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарор тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

8.4.3. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг пленуми навбатдаги Конференцияда тасдиқлаш шарти билан конференциялар оралиғидаги даврда тегишли Кенгашнинг таркибидан аъзоларни чиқариш ва чиқиб кетганлар ўрнига янги аъзоларни сайлашга ҳақлидир.

8.4.4. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг аъзолари, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига Партиядан сайланган депутатлар туман (шаҳар) партия ташкилоти Конференциясининг тўғридан-тўғри делегатлари ҳисобланади.

8.5. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши:

– туман (шаҳар) партия ташкилоти Конференциясини чақириш ва ўтказишни ташкил этади;



– туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитасини сайлайди, унинг таркиби ва сонини белгилайди;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг раисини ва раис ўринбосарларини 5 йил муддатга сайлайди ҳамда муддатидан илгари лавозимидан озод этади;

– Партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

– сайловга кечи билан ўн беш кун қолганда у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиши мумкин ва бундай шахс тегишли туман (шаҳар) сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилганда ҳамда депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар тегишли туман (шаҳар) сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритади;

– тегишли халқ депутатлари Кенгаши айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақариб олинганда ва бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўшаб қолган депутатлик ўринларига номзодларни танлаш ва кўрсатиш юзасидан қарорлар қабул қилади;

– Партия иштирок этадиган сайлов кампанияларининг тегишли ҳудудда ўтказилиши учун масъул бўлади, Партиянинг кузатувчи ва ваколатли вакиллари рўйхатини шакллантиради;

– Партиядан барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг ҳамда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этади;

– Партиянинг ходимлари ва фаоллари малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

– тегишли ҳудуддаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш доирасида махсус дастурлар ва режаларнинг қабул қилиниши ва бажарилишини таъминлайди;

– бошланғич партия ташкилотининг тузилиши тўғрисида қарор қабул қилади;

– халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашидаги партия гуруҳининг (Партиядан сайланган депутатларнинг) фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг ҳисоботларини эшитади ва тегишли қарор қабул қилади;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда белгиланган ҳамда туман (шаҳар) партия ташкилоти Конференцияси



томонидан берилган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.6. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланадиган қарорлар ва фармойишлар қабул қилади.

8.7. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия қўмитаси тегишли туман (шаҳар) партия ташкилотининг доимий ишловчи органидир.

Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши пленумларининг оралиғидаги даврда Ижроия қўмита ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли туман (шаҳар) партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш кўради.

8.7.1. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия қўмитаси:

- Партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини таъминлайди ва шу мақсадда бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

- бошланғич партия ташкилоти (Кенгаши) раисини ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлайди;

- Партия аъзолигига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- Партия аъзоларининг ҳисоби, аъзоликка қабул қилиш, аъзоликнинг тўхтатиб турилиши ва аъзоликдан чиқариш юзасидан чораларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

- тегишли туман (шаҳар) бўйича Партия аъзоларининг ҳисобини юритади;

- Партия аъзолик бадаллари келиб тушишининг ҳисобини юритади;

- туман (шаҳар) партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда белгиланган ҳамда туман (шаҳар) партия ташкилотининг Кенгаши томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.


8.7.2. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитаси ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланадиган қарорлар қабул қилади.

Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорлари бошланғич партия ташкилотлари учун мажбурийдир.

8.8. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг раиси:

- туман (шаҳар) партия ташкилотининг жорий фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

- туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши пленуми ва унинг Ижроия қўмитаси мажлисларини олиб боради, ушбу мажлисларнинг қарорларини имзолайди;



– Партия аъзоларининг ҳисоби, аъзоликка қабул қилиш, аъзоликнинг тўхтатиб турилиши ва аъзоликдан чиқариш юзасидан белгиланган чораларни амалга оширади;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда белгиланган ҳамда туман (шаҳар) партия ташкилотининг раҳбар органлари томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

## IX. БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

9.1. Бошланғич партия ташкилоти ушбу Устав асосида фаолият юритади, ҳудудий-ишлаб чиқариш белгисига кўра, Партиянинг камида учта аъзоси мавжуд бўлганда ташкил этилади.

9.2. Бошланғич партия ташкилоти тегишли туман (шаҳар) партия ташкилотининг қарори билан тузилади ва тугатилади.

9.3. Бошланғич партия ташкилоти:

– қонун ҳужжатлари доирасида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради, ушбу йўналишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бевосита фуқароларнинг ўзи билан ҳамкорликни амалга оширади;

– турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари билан алоқалар ўрнатади, улар билан мунтазам учрашувлар ташкил этади ва юзага келган муаммоларни ўрғанади, уларни қонуний воситалар билан ҳал этишга ёрдам беради;

– Партия электоратининг қонуний манфаатларини ифода этувчи ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича материаллар ва таклифларни тайёрлайди;

– Партия сафларига янги аъзоларни жалб этади, туман (шаҳар) партия ташкилотига ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади;

– аъзолик бадалларини Партия ҳисоб-китоб варақларига ўтказилишини таъминлайди, бу ҳақда туман (шаҳар) партия ташкилотига мунтазам ҳисобот тақдим этади;

– бошланғич партия ташкилотида иш юритилишини таъминлайди;

– юқори турувчи партия ташкилотлари тақдим этган Партия ҳужжатлари ва моддий бойликларнинг тўлиқ сақланиши учун масъул бўлади.

9.4. Бошланғич партия ташкилотининг юқори раҳбар органи умумий йиғилишдир. Умумий йиғилиш зарур ҳолларда, лекин йилига камида тўрт марта (бошланғич партия ташкилоти Кенгаши тузилган ҳолларда умумий йиғилиш йилига камида икки марта) чақирилади.





Навбатдан ташқари умумий йиғилиш бошланғич партия ташкилоти Кенгаши мавжуд ҳолларда Кенгаш қарори ёки бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг ярмидан ортиқ қисмининг талабига кўра, чақирилиши мумкин.

Бошланғич партия ташкилотида қарорлар умумий йиғилиш ваколатли бўлган тақдирда иштирок этувчи аъзоларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Умумий йиғилиш:


- бошланғич партия ташкилотининг фаолиятига оид масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади;
- зарур ҳолларда, бошланғич партия ташкилоти Кенгашини сайлайди, Кенгашнинг сон таркибини белгилайди;
- бошланғич партия ташкилоти Кенгаши тузилмаган ҳолларда, фуқароларни Партия аъзолигига қабул қилади, тўхтатиб қўйилган аъзоликни қайд этади ва Партия аъзолигидан чиқаради;
- бошланғич партия ташкилоти (Кенгаши) раисини ва унинг ўринбосарини бир йил муддатга сайлайди;
- туман (шаҳар) партия ташкилоти Конференциясига делегатлар сайлайди;
- туман (шаҳар) партия ташкилоти раҳбар органларининг таркибига номзодларни тавсия этади;
- бошланғич партия ташкилоти (Кенгаши) раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди.

9.5. Бошланғич партия ташкилотида 50 (эллик) нафардан ортиқ партия аъзоси бўлганда бошланғич партия ташкилоти Кенгаши сайланади. Бошланғич партия ташкилоти Кенгаши умумий йиғилишлар оралиғидаги даврда доимий ишловчи раҳбар коллегиял органдир. Кенгаш мажлислари зарур бўлган ҳолларда, лекин уч ойда камида бир марта чақирилади. Кенгаш бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилиши ҳамда туман (шаҳар) Кенгаши Ижроия қўмитаси олдида ҳисобдордир.

Кенгашнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- фуқароларни Партия аъзолигига қабул қилиш, тўхтатиб қўйилган аъзоликни қайд этиш ва Партия аъзолигидан чиқариш;
- Партия раҳбар органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этиш;
- бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишларига материаллар тайёрлашни амалга ошириш;
- ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан бошланғич партия ташкилоти Кенгаши раиси ёки ўринбосари имзолайдиган қарорлар қабул қилиш.

Зарур бўлган ҳолларда, йирик бошланғич партия ташкилотида



бошланғич партия ташкилоти Кенгаши раиси ва унинг ўринбосари ҳамда бошқа аъзолардан иборат Ижроия қўмита тузилиши мумкин.

9.6. Бошланғич партия ташкилотининг (Кенгаши) раиси:

– бошланғич партия ташкилотининг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

– Партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини таъминлайди;

– бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишини (Кенгаш йиғилишларини) олиб боради ва қарорларини имзолайди;

– бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши (Кенгаши) олдида ҳисобдор бўлади;

– ҳар чоракда партия туман (шаҳар) кенгаши раисига аъзолар сони, аъзолик бадалларининг тўланиши, ўтказилган тарғибот тадбирлари тўғрисида ёзма маълумот киритади;

– бошланғич партия ташкилоти бурчагида ва ҳар ойда маълумотлар янгиланишни ташкил этади.

Раис йўқлигида унинг вазифаларини раис ўринбосари бажариб туради.

## Х. ДЕПУТАТЛАР БИРЛАШМАЛАРИ

10. Партия ўз манфаатларини ифода этиш мақсадида давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида партия фракциясини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида қонунда белгиланган тартибда партия гуруҳларини тузади.

10.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида партия фракцияси (бундан буён матнда Фракция деб юритилади) Партия томонидан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан тузилади.

10.1.1. Фракция ўз ишини Партиянинг дастурий ҳужжатлари ҳамда Партия раҳбар органларининг тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

10.1.2. Фракция Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади.

10.1.3. Мухим сиёсий масалалар юзасидан нуқтаи назарларни келишиб олиш учун Фракция ва Партия Марказий кенгашининг ёки Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин. Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида овоз бериш давомида



биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга асосланади.

10.1.4. Фракция Партиянинг Марказий кенгашига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда мунтазам ҳисобот тақдим этади. Фракциянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги вакиллиги давридаги ҳисоботи Партия Съездида тингланиши мумкин.

10.2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Кенгеси, ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари (бундан буён матнда – партия гуруҳлари деб юритилади) Партия томонидан кўрсатилган ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатлар орасидан қонунда белгиланган тартибда тузилади.

10.2.1. Партия гуруҳларининг фаолияти тегишли ҳудудий ва туман (шаҳар) партия ташкилотларининг раҳбар органлари томондан мувофиқлаштирилади.

10.2.2. Партия гуруҳлари ўз фаолиятини Партиянинг дастурий ҳужжатлари, тегишли ҳудудий партия ташкилоти Конференцияси, Кенгашининг тавсиялари, шунингдек юқори партия ташкилотларининг қарорларидан келиб чиқиб ташкил этади.

Партия гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади.

10.2.3. Назорат вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг партия гуруҳларига Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти ҳақида асосланган хулосаларни тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи ҳам берилади.

Ушбу хулосалар вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимининг фаолиятини мунтазам ахборот-таҳлилий мониторинги натижаларига, ҳокимнинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини чуқур таҳлиliga асосланиши ҳамда ҳудудий партия ташкилоти билан келишилиши лозим. Зарур бўлган ҳолларда ҳудудий партия ташкилоти тегишли маслаҳатлар олиш учун Партия Марказий кенгашига мурожаат қилиши, шунингдек мустақил экспертларни хулосаларни таҳлил этиш учун жалб этиши мумкин.

10.2.4. Муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича нуқтаи назарларни келишиб олиш учун партия гуруҳлари ва тегишли партия ташкилоти Кенгашларининг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

10.2.5. Партия гуруҳларининг аъзолари маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида овоз беришда Партиянинг



биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларига таянади.

10.2.6. Партия гуруҳларининг аъзолари томонидан Партия манфаатларига зид келувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилган ёки Партия ташкилоти билан алоқаларни узган тақдирда ҳудудий партия ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ депутатларни чақириб олиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масаласини кўтариши мумкин.

10.2.7. Партия гуруҳлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли ҳудудий партия ташкилотига белгиланган муддатларда тақдим этади. Уларнинг вакиллик даври мобайнидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар тегишли ҳудудий партия ташкилоти конференцияларида тингланиши мумкин.

## **XI. ПАРТИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ, ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИ**

11.1. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисидаги қарор сайловолди кампанияси бошланиши тўғрисидаги эълондан кейин Партиянинг Марказий кенгаши пленумида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Партия томонидан номзод кўрсатиш Партия Съезди томонидан амалга оширилади. Бу ҳақдаги қарор Партия Съезди делегатларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилганидан сўнг тегишли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

11.2. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

11.3. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тўғрисидаги қарор сайловолди кампанияси бошланиши тўғрисидаги эълондан кейин Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатишни Партия Марказий кенгаши



тақдим қилган рўйхатга асосан Съезд амалга оширади.

Партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақидаги қарор Партия Съезди делегатларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилганидан сўнг тегишли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

Партия Марказий кенгаши у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни сайловга кечи билан ўн беш кун кун қолганда бекор қилиши мумкин ва бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилганда, депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзод Партия Марказий кенгаши томонидан таклиф қилинади.


Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган тақдирда, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига бўшаб қолган ўринларга номзодлар Партия Марказий кенгаши томонидан кўрсатилади.

Депутатликка номзод танлаш тартиби Партия Марказий кенгаши томонидан белгиланади. Депутатликка кўрсатилган номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозим.

11.4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлигига сайловда Партиянинг иштирок этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлигига сайловларда иштирок этиши тўғрисидаги қарор сайловолди кампанияси бошланиши тўғрисидаги эълондан кейин тегишли ҳудудий партия ташкилотларининг Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳудудий партия



ташкilotлари, туман (шаҳар) партия ташкilotлари томонидан амалга оширилади.

Партия томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақидаги қарор тегишли ҳудудий партия ташкilotи Конференцияси, туман (шаҳар) партия ташкilotлари Конференцияси томонидан мажлисда иштирок этувчи делегатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилганидан сўнг тегишли сайлов комиссиясига топширилади.

Ҳудудий, туман (шаҳар) партия ташкilotи Кенгаши сайловга кечи билан ўн беш кун қолганда у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиши мумкин ва бундай шахс тегишли сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилганда ҳамда депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар тегишли сайлов комиссиясига янги номзод ҳудудий, туман (шаҳар) партия ташкilotи Кенгаши томонидан киритилади.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинганда ва бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўшаб қолган депутатлик ўринларига номзодлар ҳудудий, туман (шаҳар) партия ташкilotи Кенгаши томонидан кўрсатилади.

## **ХII. ПАРТИЯНИНГ БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ**

12.1. Партия Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий фаолият юритаётган сиёсий партиялар билан иттифоқ (блок) тузиши, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиши мумкин.

Партия хорижий давлатларнинг расмий сиёсий партиялари ва жамоат ташкilotлари билан белгиланган тартибда алоқалар ўрнатиши мумкин.

12.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Партия фракцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий фаолият юритувчи бошқа сиёсий партияларнинг депутатлар бирлашмалари билан умумий нўқтаи назарини келишиб олиши ёки уларга нисбатан



мухолифатда бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бошқа партиялар фракциялари билан бирга ишлаб чиқилган нуқтаи назар тўғрисидаги қарор Фракция раҳбари томонидан Партиянинг Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

12.3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий фаолият юритувчи бошқа сиёсий партияларнинг депутатлар бирлашмалари билан биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назари ҳақидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг раҳбарлари томонидан тегишли ҳудудий (туман, шаҳар) партия ташкилотининг Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

### **ХIII. ПАРТИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ, УНИНГ МУЛКИ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ**

13.1. Партия Дастурида кўрсатилган устувор мақсад ва вазифаларга эришиш учун қуйидаги молиявий манбалардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиши мумкин:

- партия аъзолик бадаллари;
- Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган хайрия ёрдами;

- давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;
- тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар;
- амалдаги қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

13.2. Ушбу Уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Партия бинолар, иншоотлар, корхоналар ва хўжаликлар, наشريётлар, турар-жой, жиҳоз-ускуналар, транспорт воситалари, инвентарлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мол-мулклар, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қоғозларга ва муомалада чекланмаган бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

13.3. Ҳудудий партия ташкилотлари ва бошқа қуйи ташкилотларга бириктирилган мол-мулк Партиянинг мулкидир. Ҳудудий партия ташкилотлари ва бошқа қуйи ташкилотларнинг ўзларига бириктирилган мол-мулкни бошқариш ҳуқуқи уларнинг низомларида белгиланади.

13.4. Партия тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда, фақат мазкур Уставда белгиланган вазифалар-

ни ҳал этиш учун амалга оширади. Партиянинг тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромадлар Партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

13.5. Партия аъзолик бадалининг миқдори ва уни тўлаш тартиби Партиянинг Марказий кенгаши қарори билан белгиланади. Пенсияонерлар ва талабалар Партия аъзолик бадалларини тўлашдан озод этилади.

13.6. Ҳар ойлик Партия аъзолик бадалларининг ҳамда бошқа тушумларнинг ўн беш фоизи Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг ҳисобига ўтказилади. Партия аъзолик бадалларининг ҳамда бошқа тушумларнинг қолган қисми тегишли партия ташкилотларининг Уставда белгиланган вазифаларни самарали ҳал этиш учун ишлатилади.

Партиянинг ҳисоб-китоб варағига тушган маблағларнинг ишлатилиш тартиби Партия Марказий кенгаши томонидан белгиланади.

13.7. Партия ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетини эълон қилади ва ўз фаолиятини маблағлар билан таъминлаш манбалари ва уларнинг сарфланиши тўғрисида тегишли органларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ҳисобот тақдим этади.

#### **XIV. ПАРТИЯДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

14.1. Партия ҳар бир органининг мажлислари унда ушбу орган вакилларининг учдан икки қисмидан ортиғи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

14.2. Барча қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан, оддий кўпчилик овозни олиш орқали қабул қилинади (Партиянинг қайта ташкил этилиши, фаолиятининг тугатилиши, Партия Устави ва Дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорлар бундан мустасно).

#### **XV. ПАРТИЯ УСТАВИ ВА ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, УЛАРГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

15.1. Партия Устави ва Дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Партия Съезди қарори билан амалга оширилади.

15.2. Партия Съездининг Партия Устави ва Дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва Партия





Съездида иштирок этаётган делегатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

## **XVI. ПАРТИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**


16.1. Партияни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Съезд қарорига биноан амалга оширилади.

Партия фаолиятини тугатиш ушбу Уставда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Съезд қарорига биноан ёки Олий суд қарори асосида амалга оширилади. Партияни қайта ташкил этиш ёки фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор Партия Съездида унинг барча ташкилотлари фикри ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. Бу қарор Съездда делегатларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қонуний ҳисобланади.

16.2. Партия фаолияти тугатилганда, унинг мол-мулки ва маблағларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

16.3. Партия тугатилган тақдирда Партия барча қуйи ташкилотларининг Ижроия девони ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

16.4. Партия ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат архив идораларига топширилади.





ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ”  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING

ДАСТУРИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик  
партиясининг 2019 йил 1 ноябрдаги VI Съездида  
тасдиқланган

БИЗ УЧУН ЭНГ МУҲИМИ –  
ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИДИР!



## ПАРТИЯНИНГ БОШ ШИОРИ

**“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ!”**

### МУҚАДДИМА

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси:

– тараққиётнинг ҳар қандай босқичида миллий мустақиллик ғояларига содиқлигини намоён этиб, Ўзбек давлатчилиги ривожининг кўп минг йиллик тарихий тажрибасига таяниб иш кўриш;

– Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида илгари сурилган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор шиорни доимий эътибор марказида сақлаш;

– миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш, барқарор ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида маданий ва маънавий бойликларни, бой тарихий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш ҳамда инсонпарварлик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш;

– замонавий ривожланган давлат қуриш ва маънавий баркамол фуқаролик жамиятини ривожлантириш баробарида миллий ўзлгимизни, ор-номус ва ғуруримизни, инсоний қадр-қимматимизни, она тилимизни, динимизни, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни сақлаб қолиш ва бойитиш;

– аждодларимиз маънавий мероси ҳамда эътироф этилган умуминсоний қадриятлар негизида миллий тарбияни юксалтириш ва тарғиб этиш;

– жамиятни ўзга маданиятлар ҳисобига эмас, ўз урф-одат, анъана ва қадриятларимизга асосланиб ривожлантириш;


– миллий давлатчилик тартиб-таомиллари ва бозор иқтисодиёти асосларини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётда эркин бозор муносабатларини шакллантириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш;

– “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган муҳим ҳаётий тамойилга амал қилиш;

– халқимизнинг келажақда эмас, бугун яхши яшаши учун шароит яратиш;

– инсон ҳаёти ва саломатлигини нафақат оила ва жамият фаровонлиги, балки мамлакат барқарорлигининг муҳим шарти, деб белгилаш;

– жонажон Ватанимиз тараққиёти ва жамият ривожидида иқтисодий ва маънавий омиллар, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланиш;



– давлат ва жамият бошқарувида демократия тамойилларини янада кучайтириш;

– шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, фикр ва сўз эркинлигини, қонун устуворлиги ҳамда амалдаги ижросини таъминлаш;

– узлуксиз таълим билан бир қаторда узлуксиз тарбия тизимини шакллантириш, узлуксиз тарбия ва таълим уйғунлигини таъминлаш;

– Ўзбекистон халқининг миллий, анъанавий ва маданий-маънавий қадриятларини чуқур эъзозлайдиган ватанпарвар ва ҳалол шахсни тарбиялаш;

– барча фуқароларга, энг аввало, ёшларга ўз устида ишлаш, ривожланиш учун шароит ва имконият яратиш;

– сиёсий куч сифатида, Ўзбекистон фуқароларининг жинси, ирки, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар ихтиёрий асосда бирлаштириш ва манфаатларини фаол илгари суриш;

– аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенглик тамойилларини таъминлаш;

– илм-фаннинг бунёдкорлик салоҳиятидан унумли фойдаланиш, аҳолининг умумий илмий дунёқараши, маданий савиясини ошириш йўлида кенг қўламли ахборот тадбирларини жадал уюштириш;

– Ватанимиз халқини ташкил этувчи турли этник гуруҳларнинг миллий-маданий муҳитга киришиши, унда ўзини ишончли ҳис этиши учун зарур шарт-шароитларни такомиллаштириш мақсадида;

– Она Ватанимиз – Ўзбекистон ва барча ўзбекистонликлар, хорижда истиқомат қилаётган, биз учун доимо азиз бўлган ватандошларимиз манфаатларидан келиб чиқиб, партия дастурини эълон қилади.

Биз учун **“Миллий тикланиш”** – миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар, кўп асрлик тарихимизни чуқур ўрганиш, тиклаш, қадрлаш ва тарғиб этиш, ҳар бир ватандошимиз онгида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда жамиятнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатидир.

**“Миллий юксалиш”** – мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури, ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтариш йўлидаги ҳаракатдир.

**“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** шиори жонажон Ўзбекистонни қудратли давлат, Ўзбекистон халқини фаровон ҳаётини барпо этиш йўлида бирлаштирувчи даъватдир.



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси:

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” шиорига таянган “Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш” ғояси билан янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларда фаол иштирок этишни;

– маънавий-интеллектуал тараққиётга эришиш учун мамлакатни модернизация қилиш, инсон капиталини ривожлантиришга шароит яратишни;

– Ўзбекистонни ривожланган замонавий давлатга айлантириш, халқаро миқёсдаги нуфузи ва обрў-эътиборини янада юксалтиришни;

– барча соҳада миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш учун курашишни;

– миллий, маданий ва маънавий бойлигимиз, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш ва кўпайтиришни;

– Ўзбекистон халқининг маданий, анъанавий ва миллий-маънавий қадриятларини чуқур эъозлайдиган ватанпарвар инсонларни ўз сафида бирлаштиришни;

– миллий-маданий қадриятлар ҳамда замонавий тараққиётнинг уйғунлигини таъминлашни;


– жамиятда ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданиятни ошириш орқали қонун устуворлигини таъминлашни;

– давлат ва жамият ўртасида ишончли мулоқот, мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги ҳисобдорлиги ва фуқароларнинг давлат бошқарувидаги ҳуқуқларидан самарали фойдаланишини таъминлашни ўзининг асосий мақсад ва вазифалари сифатида белгилайди.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси** – зиёлилар, шу жумладан, илм-фан ва таълим, маданият, санъат ва ахборот соҳаси вакиллари, келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшлар, шунингдек, олимлар, тарбиячи ва ўқитувчилар, ижодкор ва санъаткорлар, спортчилар, туризм, хунармандчилик ва халқ таъбири соҳаси вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини, шунингдек, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!”, деган устувор шиорни қўллаб-қувватловчи ватанпарвар ва бунёдкор халқимиз вакиллари ўз электорати, деб ҳисоблайди.

Биз электоратимизнинг интилиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришни, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни муҳим вазифаларимиздан, деб биламиз.

Партия мамлакатдаги сиёсий куч сифатида барча вакиллик



органларида ҳал қилувчи ўринларга эга бўлиш, Бош вазир номзодини таклиф этиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси орқали партия ғояларига уйғун бўлган қонун лойиҳаларини ташаббус қилиш, ҳукумат аъзолигига тавсия этиладиган номзодларни уларнинг дастурларидан келиб чиққан ҳолда қўлаб-қувватлаш йўлидан боради.

### **ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ АСОСИЙ ҒОЯЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ:**

- “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” шиори атрофида бирлаштириш;
- ҳар қандай шароитда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш;
- миллий, маданий ва маънавий кадриятлар, Ўзбекистон халқининг урф-одат ҳамда анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш;
- инсонни ўзгартириш орқали – жамиятни ўзгартириш;
- парламентни “халқ уйи”га, депутатларни халқимизнинг фидойи хизматчисига айлантириш;
- узлуксиз тарбия тизимини яратиш ва юксак маънавиятли, ватанпарвар авлодни тарбиялаш;
- аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш;
- ўқитувчининг мақомини ошириш, улар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш;
- Давлат тилининг мақомини ошириш;
- диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;
- барқарор миллий иқтисодиётни, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, солиқ амнистиясини эълон қилишни ташаббус қилиш, муқобил кредитлаш тизимини амалиётга тадбиқ этиш;
- аёлларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш орқали оила институтини ва оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш;
- маданий меросни сақлаб, туризмни ривожлантиришни умум-миллий ҳаракатга айлантириш;
- миллат генофонди ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- халқ таъбиқини ривожлантириш ва уни замонавий тиббиёт даражасига етказиш, шунингдек жамиятда тиббий маданиятни ошириш;
- маҳалла институтини такомиллаштириш ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш;
- хориждаги ватандошларимизнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш.



## **I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, маънавий баркамол фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари**

### **“ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ МУЛОҚОТИ – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИДИР”**

Биз Ўзбекистонни бой маънавий-маърифий меросга эга, иқтисодий ривожланган, барқарор фуқаролик жамиятига таянган, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатланган, сиёсий нуфузли мамлакат сифатида кўрамиз.

Партия бу мақсадларга эришишда асосий манба бўлган халқимизнинг маънавий ва моддий камолотини ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, давлат органлари фаолиятига инновацияларни жорий этиш, давлат бошқарувига кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тарафдори.

Ҳокимият бўғинларининг фаолияти “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойил асосида жамият билан доимий ва тизимли мулоқотни, давлатнинг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга асосланади.

Партия “парламентни – “халқ уйи”га, депутатларни – халқимизнинг фидойи хизматчисига айлантириш”ни амалда таъминлашни асосий вазифа деб билади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларининг, энг аввало, ўз сайловчилари билан доимий ва узлуксиз алоқасини йўлга қўйиш орқали халқимизнинг муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш, уларга ечим топиш чораларини кўради.

Партия давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлис палаталари, ижро ҳокимияти органлари ва суд ҳокимияти ўртасидаги алоқаларни янада самарали йўлга қўйиш, Олий Мажлис палаталарининг хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан доимий ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори.

Жамият ва давлат қурилиши жараёнида сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини таъминлаш, давлат даражасидаги, ҳудудий ва бошқа дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга фуқароларни кенг жалб этишнинг замонавий механизмларини жорий этишни қўллаб-қувватлаймиз.

Халқ ҳокимиятчилигини ривожлантириш, жамоатчилик назора-

тини кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш соҳасида “халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш чораларини кўради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўрни ва ролини ошириш, уларнинг ваколатларини аниқ белгилаш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари устидан назорат ваколатларини янада кенгайтириш, хусусан, маҳаллий ижро органларининг улар олдидаги ҳисобдорлигини ошириш чораларини кўради.

Маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарини бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиси бўлишини босқичма-босқич бекор қилиш, партиянинг барча даражадаги вакиллик органлари депутатларининг биргаликда иш олиб бориш тизимини яратиш борасида яқдил ҳаракат олиб боради.

Партия давлат бошқаруви ва давлат хизматини янада ислоҳ этиш соҳасида давлат хизматчиларининг мақомини қонун даражасида мустаҳкамлаш, давлат хизматчисининг билим, малака, қобилият ва лаёқатлилик талаблари асосида объектив танланиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш, ёш миллий кадрлар захирасини шакллантириш, уларни давлат хизматида тизимли тавсия этиш орқали “ижтимоий лифт”ни таъминлаш чораларини кўради.

Марказий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ваколатлари маҳаллий давлат ҳокимияти ва ижро органларига босқичма-босқич ўтказиш орқали маъмурий буйруқбозлик, мажлисбозлик, бюрократияга барҳам бериш, айти пайтда уларнинг мустақиллигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, давлат органлари билан фуқаролар ўртасида самарали мулоқот тизимини яратиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш борасида изчил фаолият олиб боради.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини янада ошириш, мамлакатимизда ва хорижда кенг тарғиб этиш борасида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштириш, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чоратadbирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, расмий ҳамда оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ ва мақсадли ишларни амалга оширади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида ва расмий доираларда давлат тили қўлланилишига, шунингдек, қонун ҳужжатлари ва идоравий ёзишмаларнинг тўлиқ давлат тилида ёзилишига эришишни муҳим вазифа, деб билади.





## II. Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари

### “ДАВЛАТ РИВОЖИ ҲАМДА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА – ҚОНУНЛАРГА ЎЗ ВАҚТИДА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, УЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ ЭРИШИШ”

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллиги ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш – жамиятимиз учун кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Демократик жамиятни шакллантиришни жадаллаштириш ва бу борадаги ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Партия суд-ҳуқуқ соҳасида демократик жамиятнинг асоси ва ҳуқуқий тизим мукамаллиги кўрсаткичи бўлган фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишни ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

Партия қонунлар устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, хусусий мулк дахлсизлиги, қонунларнинг амалда ижроси, бир-бирига зид ёки такрорланаётган нормаларга барҳам бериш бўйича тизимли фаолият олиб боради.

Партия аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришни муҳим вазифаси, деб билади. Мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билим тарғиботини янада яхшилашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар қабул қилинишини маъқуллайди.


Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига асосиз аралашувини чеклашга қаратилган аниқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга интилади.

Партия қонунлардаги ҳаволаки нормаларни энг кам даражага келтириш ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини камайтириш, яъни қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилишига эришиш жараёнида фаол иштирок этади.

Бу борада партия қуйидаги вазифаларнинг ижросини долзарб, деб ҳисоблайди:

- ҳуқуқий таълимни янада яхшилаш, жамиятда ҳуқуқий билимларни тарғиб этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан



жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига ишончини мустаҳкамлаш;

- фуқаролар муурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, бу жараёнда сарсонгарчилик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатга йўл қўйганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш;

- адвокатура институтини ривожлантириш, жиноий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўриб чиқишда адвокатнинг мавқеи ва ролини ошириш;

- суриштирув, терговга қадар текширув, суд жараёнида адвокат ва прокурорнинг тенг ҳуқуқлилигини том маънода таъминлаш;

- суд ҳокимияти ва судьяларнинг горизонтал ва вертикал мустақиллигини ҳамда уларнинг ойлик иш ҳақларини бошқа ҳокимият органлари ходимларининг ойликларидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- жазони ижро этиш муассасаларини ва бошқарувини Адлия вазирлигига ўтказиш ёки мустақил тизимга айлантириш масаласини кенг муҳокама қилиш;

- суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштиришда айбсизлик презумпциясига амал қилишнинг ҳуқуқий меъёрларини такомиллаштириш, суднинг қонуний кучга кирган қарори бўлмагунга қадар тергов, суриштирув органлари томонидан шахсларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда айбдор, деб эълон қилиш, уларнинг шахс сифатидаги ҳуқуқларини поймол этиш, фуқароларга қийноқлар билан ноинсоний, шафқатсиз муомала қилишни чеклайдиган аниқ ҳуқуқий механизмларни яратиш;

- Судьялар олий Кенгашининг мустақиллигини тўлиқ таъминлаш, судьялар корпусини шакллантиришда жамоатчилик иштирокини таъминлаш, жумладан, туман, шаҳар ва вилоят судлари судьяларини танлаш ва тайинлашда жамоатчилик фикрини инобатга олиш тизимини жорий этиш;

- ёшларга оид суд ишларида жамоатчилик ҳимоячилари сифатида жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокини кенг жорий этиш амалиётини қўллаб-қувватлаш;

- судьяларнинг ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда туман, шаҳар ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган жиноий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий судларни бирлаштириш;

- “Барқарор қонунчилик” концепциясини амалда таъминлаш, яъни қонун ҳужжатларига пухта ишланмаган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонун ҳужжатларини асоссиз қабул қилишга йўл қўймаслик, шунингдек, қонун ҳужжатларини узоқ йилларни кўзлаб қабул қилиш амалиётига ўтиш;



– қонуности ҳужжатларини қабул қилишнинг қатъий мезонларини белгилаш.

Партия аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз курашиш соҳасида давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан эҳтиёжманд аҳолига онлайн ёки бошқача шаклдаги бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими, “Фуқаролик маслаҳат бюроси” каби кўнгиллилар бирлашмаларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқади, “Йилнинг энг яхши ҳуқуқий хайрияси” номли лойиҳани амалга оширади.

Ҳар бир фуқаронинг қонун ҳужжатларини билиши ва уларга оғишмай амал қилишига оид чора-тадбирларни белгилаш, қонунларга риоя этиш кўникмасини шакллантиришда оила, таълим-тарбия масканлари, маҳалла, жамоатчилик институтлари имкониятларидан фойдаланишга қаратилган механизмларни яратиш ишларини такомиллаштиради.


Қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаларида аҳолининг фаол иштирокини кенгайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий ва жавобгарликнинг муқаррарлиги усулларини танлаш, одамлар онгида коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича тизимли фаолият олиб боради.

Партия мурувват, кечиримлилик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни суд амалиётига жорий этиш соҳасида жинойий ишларга оид қонунчиликни янада либераллаштириш, айрим жиноятларни декриминализация қилиш сиёсатини, жинойий жазолар ижроси тартибини енгиллаштириш ишларини давом эттиради.

Монопол фаолият, шунингдек, тиббиёт соҳасидаги қонунбузилишлар, хусусан, тиббий ёрдам кўрсатмаганлик, ташхис ва даволаш бўйича нотўғри маълумотнома берганлик ва бошқа ҳолатлар учун маъмурий ва жинойий жавобгарлик белгилашни зарур, деб ҳисоблайди.

Маъмурий судлов ишларига яраштирув институтини кенг жорий этиш, халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган жиноят ҳуқуқининг замонавий институтларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, хусусан, фақат жабрланувчининг аризаси мавжуд бўлгандагина қўзғатиладиган алоҳида жинойий ишлар тоифасини кенгайтириш лозимлигини таъкидлайди.

Оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмушда вужудга келадиган бошқа низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони халқимизга хос бўлган тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш, ишларни судгача ҳал этиш институтларини кенг қўллаш орқали



амалиётда суд тартибида кўриб чиқиладиган ишларнинг улушини камайтиришни муҳим вазифа, деб билади.

Партия қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш соҳасида қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертиза ва коррупцияга қарши экспертизасини амалга оширишни қонун билан мустаҳкамлаш тарафдори.

Тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар қабул қилинишини таъминлаш, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қисқартириш, шунингдек, вазирлик, давлат қўмитаси ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишни энг кам даражага етказиш ва бу амалиётни босқичма-босқич бекор қилиш амалиётини қўллаб-қувватлайди.

Қонун ижодкорлиги жараёнига замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида иқтисодиёт, савдо, саноат, энергетика, соғлиқни сақлаш, туризм, логистика, транспорт, авиация соҳаларига оид қонун ҳужжатларини халқаро стандартлар ва ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигига уйғунлаштириш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини давом эттиради.

Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини манфаатдор ташкилотлар билан келишишнинг электрон тизимини йўлга қўйиш, қонунчилик ташаббусини илгари суриш борасида мавжуд тартибларни такомиллаштиришга эътибор қаратади.



### III. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

#### “ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА – МАМЛАКАТ ҲАМ БОЙ, ҲАМ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ”

Партия кучли, барқарор ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришни ўзининг устувор вазифаси, деб билади. Иқтисодий муносабатларда ҳар доим индивидуал ёндашувни таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди.

Партия мамлакатда ўрта қатламнинг кўпайиши тарафдори бўлиб, аҳолининг ўрта қатламида қаноат ва шукроналик, бой қатламида масъулият ва маънавий қадриятларни эътироф этиш, олижаноблик каби хислатларни оширишни тарғиб этади. Аҳолининг реал даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, даромадлари бўйича табақаланиш даражасини пасайтириш тарафдори.

Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кескин қисқартириш ҳамда хусусий мулкни ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ислохотларни жадаллаштириш тарафдори. Тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига ноқонуний аралашувга қатъий чек қўйишни таъминлаш зарур.

Партия миллий маҳсулотларимиз ва брендларимизнинг хорижга, салоҳиятли харид бозорларига барқарор кириб боришини ҳаётий зарурат, деб билади.


Мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ва хизмат кўрсатиш соҳасини самарали қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистонда миллий манфаатлардан келиб чиқиб олиб борилаётган фаол ташқи иқтисодий стратегияни ёқлайди. Биз жаҳон бозорида “Made in Uzbekistan” миллий брендининг обрўйини ошириш учун фаол ҳаракат қиламиз.

Шу билан бирга, партия Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўз истеъмолчиларимиз учун қадрлироқ бўлишини тарғиб қиладиган тизимни шакллантириш зарур, деб ҳисоблайди.

Партия технологик базани модернизациялаш, илмий тадқиқот ва ишланмалар, инвестицияларни рағбатлантириш, уларнинг натижаларини тижоратлаштириш, бюджет, солиқ ҳамда бошқа рағбатлантириш воситалари орқали интеллектуал мулкни капиталлаштириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлайди.

Биз мамлакат иқтисодиётида инвестиция муҳитининг яхшиланиши тарафдоримиз. Инвестициялар иқтисодиётимизга, энг аввало, қонунчилик кафолати орқали кириб келиши лозим.

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида



тафовутни қисқартириш, маҳаллий бюджет шаклланиши ва тақсимланишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим.

Партия иқтисодиёт соҳасида солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда эркинликни ошириш, давлат бюджети харажатлари ва бюджет дефицити мўтадиллигини таъминлаш, инфляцияни жилавлaш ва пул-кредит сиёсати инструментлари таъсирчанлигини ошириш, молиявий бозор инструментларини кўпайтиришни иқтисодиёт ривожига жиддий туртки беради, деб ҳисоблайди.

Рақобатбардош миллий молиявий тизим яратиш, тўғридан-тўғри инвестиция киритувчиларни рағбатлантириш, айрим маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) учун қўшимча қиймат ва даромад солиғини бекор қилиш, банк ва молия тизимида замонавий бозор механизмларини жорий этиш, унинг кафолатига аҳолида ишонч уйғотишни қўллаб-қувватлайди.

Партия мамлакатимиз пойтахти ва ҳудудларни, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ҳудудлар бўйича айрим номутаносибликларга барҳам бериш тарафдори.

Ишлаб чиқариш соҳасида содда ва қулай лицензиялаш тизимини жорий этиш, миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан (ишлар, хизматлардан) муҳофаза этишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш чораларини кўради.

Мамлакат иқтисодиётида етакчи бўлган темирўл ва автомобиль йўллари, электр таъминоти сифатини ошириш, мамлакатда энергия инфратузилмасини ривожлантириш ва иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида ёқилғи-энергетика тармоғи, жумладан, электр, нефт ва газ, атом энергетикаси тармоқларини ривожлантириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришни, энергоресурсларни амалдаги сотиш тизимида даромад даражасидан келиб чиқиб табақалаштиришни назарда тутадиган ислохотларни амалга оширишни қўллаб-қувватлайди.

Қишлоқ хўжалигини саноатлаштиришни кучайтириш, қишлоқ хўжалигига янги технологиялар, жумладан, “ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини жорий этиш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, хусусий мулкчилик қисмини шакллантиришга қаратилган чоратadbирларни амалга оширади.

Партия миллий иқтисодиёт соҳасида “рақамли иқтисодиёт”ни кенг жорий этиш, мамлакатда рақамли технологияларга кенг миқёсда




ўтиш механизмини ишлаб чиқиш, мамлакатимизни юқори тезликда ишлайдиган интернет тармоғи билан таъминлаш тарафдори.

Инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодийда инновацияларга талабни кенгайтириш, технологик рақобат ва инновациялар соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш чораларини кўради.

Миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишини қўллаб-қувватлаш, жумладан, экспортни рағбатлантириш борасида кенг қўламли божхона ислохотларини амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятда текшириш ва назоратни камайтириш, тадбиркорлар ва божхона органлари ходимлари ўртасидаги алоқа ёхуд муносабатларни соддалаштиришга ҳаракат қилади. Экспорт билан шуғулланадиган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни тайёрловчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлайди.

Партия барқарор миллий иқтисодийни, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, 2019 йилгача бўлган давр учун умумий солиқ амнистиясини эълон қилиш, муқобил кредитлаш тизимини амалиётга тадбиқ этиш тарафдори.

Солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда эркинлик бериш, давлат бюджетининг харажатлари ва бюджет дефицитининг мўътадиллигини таъминлаш, самарали пул-кредит сиёсатини олиб бориш, банк ва молия тизимига замонавий бозор механизмларини жорий этиш, мамлакатда фонд ва капитал бозорларини жадал ривожлантириш, миллий сугурта тизимини тубдан ислох этиш ҳамда ушбу соҳани мамлакатимиз иқтисодийнинг барча тармоғига кенг жалб этиш ва тарғиб қилиш чораларини кўради.



#### **IV. Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари**

##### **“УЗЛУКСИЗ ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ – МУСТАҲҚАМ ЖАМИЯТ ВА ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ”**

Аҳолининг турмуш сифати ва даражасини, яшаш қулайликларини ошириш партиянинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Мустаҳкам тарбия ва таълим тизими орқали инсон капиталини ривожлантириш, кам харажат ва тез ривожланиш учун инновацияларни қўллаб-қувватлаш лозим.

Партия билимли, масъулиятли ва салоҳиятли, эркин фикрлайдиган, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қиладиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатли авлодни тарбиялаш тизими мамлакатимизнинг келажagini белгилаб беради, деб ҳисоблайди.

Оила – жамиятнинг устуни, аёл – оиланинг устуни эканлигини эътироф этган ҳолда аёлларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш учун қонунчиликка ўзгартишлар киритиш орқали оила институтини ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш керак.

Партия оилаларда ижтимоий ва ахлоқий муҳитни ўрганиш, мулоқотлар олиб бориш орқали мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизимни қўллаб-қувватлайди. Оилада ва оилавий қадриятларда анъанавий муносабатларни сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлаш тарафдоридир.

Партия мамлакатимизда узлуксиз тарбия тизимини яратиш ва юксак маънавиятли, ватанпарвар авлодни тарбиялаш бўйича фаол иш олиб боради. Бунинг учун тизимни изчил такомиллаштириб боришни зарур, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда бошланган янги давр таълим соҳасига ҳам аниқ ва қатъий талаблар қўймоқда. Партия амалдаги таълим тизимида тарбиянинг ўрнини етарли эмас, деб ҳисоблайди. “Оила – мактабгача таълим – мактаб” даврини ўз ичига олган, тарбияни устувор ҳисоблайдиган таълим тизими миллий ва умуминсоний қадриятларни эътироф этадиган, билимли, эркин фикрлайдиган, ҳалол ва масъулиятли инсонни шакллантиришни бирламчи вазифа сифатида кўради. Тизимнинг натижадорлиги оила, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларидаги мавжуд муаммоларнинг тизимли бартараф этилишини тақозо қилади.

Партия таълим тизимида айрим дарсликларни мақбуллаштириш





ҳисобига 1 синфдан 11 синфгача ўқитиладиган “Тарбия” дарслигини жорий этиш, халқимизнинг тарихи ҳамда маънавий қадриятлари ҳақида билим берувчи Ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихи фанлари ҳажмини кўпайтиришни қўллаб-қувватлайди.

Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида болаларнинг жисмоний тарбия орқали соғлом ривожланишини таъминлаш – миллий генофондни яхшилаш масаласи сифатида кўрилиши керак.


Партия ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга қулай, узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш, мамлакатимизнинг олис ва етиб бориш қийин бўлган жойлари аҳолисига транспорт хизмати тизимини яхшилаш бўйича изчилик билан фаолият олиб боради.

Аҳолининг электорат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишни зарур, деб билади.

Халқ табобатини ривожлантиришнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уни замонавий тиббиёт даражасига етказишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш, жамиятда тиббий маданиятни ошириш, тиббиётнинг бирламчи-профилактика тизимини янада ривожлантириш, дори-дармон воситалари билан савдо қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, тиббиёт ҳамда фармацевтика соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлашда тиббий профилактиканинг ўрнини ошириб бориш, шу жумладан аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича ислохотларни жадаллаштириш чораларини кўради.

Маданият муассасалари, “Баркамол авлод” болалар марказлари, муסיқа ва санъат мактаблари, шу жумладан, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ жойларни ривожлантириш учун бюджетдан маблағ ажратишни кўпайтириш, жисмонан ва руҳан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг қўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашиш, миллий спорт турларини қайта тиклаш ишларига ўз эътиборини қаратади.

Партия ижтимоий хизматлар, жумладан, коммунал хизматлар учун тоифалашган ва индивидуал тўловлар тизимини ташаббус қилиш, яъни тўловчининг тўлов қобиляти, касби ва ижтимоий аҳволдан келиб чиқишга асосланган қоидаларни жорий этиш



тарафдори.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси гендер тенглик масаласида умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар, норматив ҳуқуқий актлар ва тавсияларни эътиборга олган ҳолда, миллий ўзлгимиз, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз асосида такомиллаштириш тарафдори.

Маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ўзига хос бўлмаган вазифалардан халос этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мустақиллигини кучайтириш, маҳалланинг, айниқса, эзгу урф-одат, анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш борасидаги фаолияти самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлайди.

Маҳалла институтини молиялаштириш тизимини, жумладан, маҳалла раиси (оқсоқоли) ва аъзоларига ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, уларнинг маҳаллий ҳокимият идораларидан мустақиллигини таъминлаш, маҳаллани маъмурий ҳудудий бирлик сифатида белгилашни зарур, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимиз аҳолисининг олий таълимга қамровини босқичма-босқич 50 фоизга чиқариш бўйича мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 110 дан ортиқ олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари сонини илмий салоҳият, моддий-техник базага мувофиқ 150 тага етказишни қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимиз фуқароларининг хорижий таълим муассасаларидан олган дипломини нострификация қилиш жараёнларини шаффофлаштириш ва осонлаштириш керак.

Биз учун электоратимиз бўлган олимлар ва педагогларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги ҳурматини ошириш муҳим масаладир.

Таълимнинг масофавий, кечки, сиртқи турларини кенг жорий қилиш, таълимнинг магистратура босқичига ўқишга қабул қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, қабул жараёнида субъектив ёндашувларни бекор қилиш, олий ўқув юртидан кейинги таълимга қамровни кўпайтириш, хусусан, таянч докторантурага қабул квоталарини оширишни зарур, деб билади.


Хусусий олий таълимга босқичма-босқич ўтиб бориш, уларнинг давлат таълим тизими билан рақобатбардошлигини ошириш, таълим сифатини ошириш, хусусий таълимга зарур шарт-шароитлар яратиш учун курашади.

Олий таълим муассасалари ва илмий-амалий тадқиқот институтлари ҳузурида илмий-амалий ихтисослаштирилган



лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ташкил этиш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш зарурлигини ёқлайди.

Таълим муҳити хавфсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган тарбиявий ҳаракатларни кучайтириш орқали ёшларнинг ўз интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига хизмат қилувчи шарт-шароитларни таъминлаш, ўқитувчи ва устозлар мақомини ошириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, улар учун қулай, ортиқча қоғозбозлик ва расмиятчиликдан ҳоли меҳнат шароитларини яратиш учун курашади.



## V. Ташқи сиёсат, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш бўйича устувор йўналишлар

### “МИЛЛИЙ МАНФААТГА ТАЯНГАН ТАШҚИ СИЁСАТ – ТИНЧЛИК ВА БАҲҚАРОРЛИК АСОСИ”

Партия Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати миллий давлатчилик манфаатлари устуворлигига, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки ҳарбий таҳдиддан тийилиш, чегаралар дахлсизлиги ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа меъёрларига оғишмай амал қилиш каби тамойилларга асосланганлигини қўллаб-қувватлайди.

Партия жаҳон моддий ва номоддий меросининг ажралмас бўлаги ҳисобланган Ўзбекистон халқининг маданий, анъанавий ва миллий-маънавий қадриятларини дунёга тараннум этиш, шунингдек, буюк аллома ва мутафаккирлар юрти, улкан ва ноёб бойликлар, иқтисодий ва ақлий салоҳиятлар эгаси бўлган жонажон Ўзбекистонимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлида фаолият олиб боришни ўзининг устувор вазифаси, деб билади.

Жаҳон ҳамжамиятини Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда эришаётган ютуқлари билан кенг миқёсда таништириш бўйича тегишли дастурларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, бу борада миллий ва хориждаги нуфузли оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланишни муҳим, деб ҳисоблайди.

Партия мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасига алоҳида эътибор қаратади. Бағрикенглик ва инсонпарварликни кенг тарғиб этиш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашни давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири, деб билади.

Партия юртимизда миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, фуқаролар онгида кўп миллатли бир оила туйғусини мустаҳкамлаш бўйича “Ўзбекистон – умумий уйимиз” ғоясини сингдиришни изчил давом эттиради.

Партия Ўзбекистоннинг ижобий имиджини кўтаришга хизмат қиладиган миллий ва халқаро лойиҳалар, маданий-маърифий, илмий ва иқтисодий тадбирларни мунтазам равишда тизимли



ўтказиш бўйича ташаббусларни илгари суради.

Биз Марказий Осиё минтақасидаги барча давлатлар билан истисносиз ҳамма масала бўйича оқилона муроса йўлини танлаймиз, хусусан, партиямиз сув ресурслари борасида БМТ шафелигида минтақа мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарурлигини таъкидлайди. Минтақадаги экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган барча конструктив саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Терроризм бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятига реал хавф туғдираётганлиги боис, унинг салбий таъсиридан ёшларни ҳимоя қилишга қаратилган давлат дастурларини реал ҳолатни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш зарур.

Партия иқтисодий интеграция ва миллий манфаатлар ҳимоясига кўмаклашиш, конфессиялараро, маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришга қаратилган фаол ташқи сиёсат юритиш тарафдоридир.

Биз қўшни давлатлар билан дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашни асосий вазибаларимиздан бири, деб биламиз.

Биз мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини амалга оширилишида қуйидагиларни муҳим, деб ҳисоблаймиз:

- миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш;
- Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имиджини мустаҳкамлаш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий давлатларда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- барча мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва гуманитар соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорликни чуқурлаштириш;
- мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шarti ҳисобланган минтақавий, глобал хавфсизликни таъминлаш;
- Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиши, Осиё, Европа ва жаҳон хавфсизлик, иқтисодий, гуманитар ҳамкорлик тузилмаларига интеграциялашиши;
- мамлакатимизнинг ишончли, сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳаларда масъулиятли шерик сифатида халқаро миқёсдаги имижини мустаҳкамлаш;
- хориждаги ватандошлар, чет мамлакатлардаги ўзбек



диаспоралари билан самарали ва яқин алоқани йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши борасида хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, Ўзбекистонга инвестицион ва инновацион технологияларни жалб этиш борасида тизимли ишларни йўлга қўйиш.

Яқин қўшнимиз бўлган Афғонистон билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш, тарихий, маданий алоқаларни тиклаш, адаблар, ижод аҳли, ёшлар мулоқотларини мунтазам равишда йўлга қўйиш, шунинг баробарида, Афғонистонда тинчликни ўрнатиш жараёнларига кўмаклашиш борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз.

Минтақадаги экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган барча конструктив саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистондан ташқарида истиқомат қилаётган ёки фаолият юритаётган ватандошларимиз ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимиз фуқароси у қаерда бўлишидан қатъи назар Ўзбекистон ва унинг дипломатик хизматлари томонидан ҳимояланишини кучайтириш, шунингдек, соҳага алоқадор халқаро конвенцияларга қўшилишни ёқлайди.


Миллат генофондини сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш бўйича мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бунда маҳсулотлар генларини модификация қилиш усулидан фойдаланишни имкон қадар чеклаш, мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишининг олдини олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари нархини аҳолининг тўлов қобилиятига мослигини таъминлашга оид ташаббусларни амалга оширади.

Халқаро бозорлар фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни тезкор ахборот билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорига чиқишини таъминлаш чораларини кўриш, юртимиздаги логистика ташкилотларининг халқаро логистика ташкилотлари билан яқин ҳамкорлиги учун шарт-шароитлар яратишни қўллаб-қувватлайди.

Партия инсоният тамаддунининг қадимги Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, сиёсий, иқтисодий ва маданий-инсонпарварлик соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, кучли “Буюк ипак йўли” брендини илгари суриш сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.



Халқаро муносабатларда “халқдипломатияси”ни фаоллаштириш ва ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг дунё халқлари, хорижда яшаётган ватандошларимиз билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқининг тарихи ва маданияти билан хорижий мамлакатлар жамоатчилигини таништириш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилади.



## VI. Маънавий-маърифий соҳадаги устувор йўналишлар

### “ИНСОН ЎЗГАРСА – ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ”

Партия миллий ўзликни англаш, ватандошларимизда миллий гурур ва қадр-қиммат туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсонни ўзгартириш орқали – жамиятни ўзгартиришни муҳим вазифа, деб билади.

Ўзбекистон – буюк аллома ва мутафаккирлар Ватани, дунё тамаддуни бешикларидан бири, жаҳон моддий ва номоддий меросининг ажралмас бўлаги, маънавият ва маърифат ўчоғи, юсак ақлий салоҳиятга эга бўлган мамлакатдир.

Партия миллий ўзликни англаш ва тиклаш, жамиятда маънавий-маърифий муҳитни сақлаш ва ривожлантириш орқали сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Миллий ўзликни англаш Ватанимиз тараққиётида муҳим ўрин тутади, миллий онг – инсонда жонажон Ватанимизга муҳаббат ҳис-туйғусини ошириш, комил инсонни тарбиялашда бебаҳо ички омилдир.

Миллий ўзликни англаш, инсон ўзлигини топиши тарихни ўрганишдан бошланади. Ўзининг миллий давлатчилик, миллий маданият ва маънавият тараққиётининг тарихий тажрибасини ўзлаштирмаган халқ миллий тикланишга қодир эмас.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Ватанимиз янада шиддатли ривожланиши учун рақобатбардош ва барқарор иқтисодиётга, юсак руҳий-маънавий асосга, миллий ўзлигига эга бўлиши шарт, деб ҳисоблайди.

Партия миллий-маънавий тикланиш ва юксалиш, миллий ғоямиз тамойилининг устуворлигини таъминлаш, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида фаол иштирок этишни ўз фаолиятининг устувор йўналиши, деб билади.

Миллий ўзликни халқимизнинг асрлар давомида шакланган муқаддас урф-одатлари, анъаналари ва қадриятлари асосида сақлашни муҳим вазифа, деб биламиз. Бизнинг қарашимиз, мақсад ва вазифаларимиз ҳар қандай миллатчилик ғояларидан ҳолидир.

Миллий маънавиятни аждодларимизнинг бой маънавий мероси негизида юксалтириш ва жаҳон миқёсида танитиш партияимизнинг устувор ғоясидир. Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, ҳозирги





Ўзбекистон заминида яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кино асарларини яратиш ва уларни дунё жамоатчилиги диққат-эътиборига етказиш бўйича тизимли фаолият олиб боради.

Ўзбекистон халқининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий тарихини ўрганишга қаратилган жамғармалар ташкил этилишини қўллаб-қувватлайди.

Партия ёшларни миллий тикланиш ва юксалиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялашни асосий вазибаларимиздан бири, деб билади.

Ёш авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларни халқимизга ёт бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан, маънавий-ахлоқий шаклланиши, қадриятлари, ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотлардан ҳимоя қилиш, “Жаҳолатга қарши маърифат” концепцияси доирасида жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида анъанавий Исломи дини принципларини мустаҳкамлашга қаратилган тарғиботни амалга оширади.

Ўзбекистоннинг бой тарихи, буюк алломалар, давлат ва сиёсат арбобларининг ибратли ҳаётига бағишланган тарихий, оммабоп фильмлар, болалар учун мультфильмлар яратилишини рағбатлантириш чораларини кўради.


Буюк аждодларимизнинг илмий, фалсафий, маънавий-ахлоқий, маърифий-тарбиявий асарлари ва қўлёзмаларини тадқиқ қилиш, замонавий ўзбек тилига ўгириш ташаббуси билан чиқади.

Халқ ижодиётининг ноёб намуналари ҳисобланган мақом, бахшичилик, лапар, аския, миллий ўйинлар: кураш, кўпқари, чавгон ва бошқа миллий қадриятлар мактабларини “устоз-шоғирд” анъаналари асосида йўлга қўйиш, бу борада тарғибот ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чораларини кўради.

Халқимиз орасида мутолаа маданиятини ривожлантириш ва китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида давлат-хусусий шерикчилик асосида маҳаллалар, айниқса, чекка қишлоқларда кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг фондини бадиий, тарихий, илмий-оммабоп адабиётлар билан бойитиш чораларини кўради.

Ўзбекистонда фан, маданият ва таълимни муносиб молиялаштиришни таъминлаш, бунда ушбу соҳалар вакилларини муносиб рағбатлантириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Театр, кино ҳамда мусиқа санъати орқали бой тарихимиз,



миллий ўзлгимиз ва қадриятларимизни кенг тарғиб этиш, миллий қадриятлар, анъаналар, Ўзбекистоннинг давлат сифатида ривожланишининг тарихий босқичларини акс эттирувчи бадий, бадий-публицистик, ҳужжатли фильмлар, миллий сериаллар ҳамда анимацион фильмларни яратиш, уларда тарихимизнинг буюк сиймолари акс этган образлар яратилиши масаласини давлат томонидан молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича ташаббусларини амалга оширади.

Оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва ижтимоий тармоқларда миллий маданиятимизга, авлодлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи, “оммавий маданият”ни тарғиб қилувчи намоишларнинг олдини олишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришга оид изчил фаолият олиб боради.

Нодир ва қўлёзма асарлар сақланаётган ҳамда ўрганилаётган Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фаолиятини жонлаштириш ҳамда кенгайтириш, ушбу фаолиятга давлат ва хусусий маблағларни йўналтиришни рағбатлантириш чораларини кўради.

Дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш, уларнинг қабр ва мақбараларини обод қилиш, шунингдек, юртимизнинг турли ҳудудларида уларнинг рамзий қабр ва мақбараларини бунёд этиш зарур. Жумладан, ҳозирги кунда Ғазнада Абу Райҳон Беруний, Қобулда Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Истанбулда Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Қушчи, Тунжелида Жалолиддин Мангуберди, Ҳиротда Алишер Навоий, Лutfий, Камолиддин Беҳзод, Хусайн Бойқаро ва бошқаларнинг қабрларини, мақбараларини обод қилиш, шунингдек юртимизда рамзий қабр ва мақбараларини қуриш ташаббуси билан чиқади.



## **VII. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

### **“МАДАНИЙ МЕРОСНИ САҚЛАБ, ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРИШ”**

Партия Ўзбекистоннинг қадимий шаҳар ва қишлоқлари тарихий қиёфасини муҳофаза қилиш, бутун инсониятнинг маданий мероси бўлган тарихий жойлар, архитектура ёдгорликларини сақлаш ва қайта тиклаш бўйича қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Жумладан, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос объектларини реставрация қилиш институтини қайта тиклаш, археологик тадқиқотларни ва Археология институтини молиялаштириш тизимини ислоҳ этиш, шу соҳада фаолият кўрсатувчи илмий ҳамда техник ходимларни ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур, деб билади.

Туризм соҳасининг миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатидаги ўрнини кучайтириш, мамлакатнинг ижобий имиджини туризм ва инвестиция салоҳияти, тарихи ва маданиятини дунёга тарғиб қилиш орқали ошириш, юртимизни туризми ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш – бизнинг энг асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Партия юртимизда мавжуд маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш тарафдори. Марказий Осиё давлатларидаги тарихий ва машҳур шаҳарларни ўз ичига қамраб олган Марказий Осиё маданий мероси харитасини яратилиши қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистондаги маданий мерос объектларини сақлаш, консервациялаш, реставрация ва тиклаш ишлари устидан шу жумладан, текинга фойдаланишга ёки ижарага берилган моддий маданий мерос объектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиши устидан доимий парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатади.

Мамлакатимизда музейшуносликни ривожлантириш, мавжуд музейларнинг моддий-техник базасини замонавий, илғор инновацион технологиялар асосида мустаҳкамлаш, уларнинг моддий фондиди бойитиш ҳамда музейлар инфратузилмасини кенгайтириш, барча маданий мерос объектлари ҳақидаги электрон маълумотлар базасини ташкил этувчи – “Ўзбекистон маданий мероси портали”ни яратишни қўллаб-қувватлайди.



Партия маданий мерос объектлари муҳофазасининг ташкилий-хуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш бўйича музей, архив, кутубхона ва бошқа сақлаш жойларида мавжуд маданий мерос объектларининг умумий рўйхатини, уларни рўйхатга олиш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини ишлаб чиқади. Маданий бойликларни олиб чиқиш ва олиб кириш тартибини кучайтириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш чораларини кўради.

ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган тарихий шаҳарларнинг Бошқарув режаларини ишлаб чиқишни, маданий меросимизни ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига, Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига, шунингдек, Жаҳон хотираси рўйхатига киритиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Партия юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига, туризмни умуммиллий ҳаракатга айлантиришга қаратилган стратегик ташаббусларни амалга оширади.

“Лоукостер” – арзон нархлардаги авиақатновларни йўлга қўйиш, шунингдек, мамлакатимизга туристлар оқими юқори бўлган хорижий мамлакатлар билан авиақатновларни кўпайтириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича ташаббуслар қилади.

Туризм инфратузилмасини янада яхшилаш, қишлоқ туризмни ривожлантириш, туристлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, хусусан, қулай, арзон нархлардаги транспорт ва меҳмонхона хизматларини йўлга қўйиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш бўйича чораларни кўради.

Соҳадаги мавжуд маъмурий буйруқбозликни, хорижий ва маҳаллий туристлар учун расмиятчиликни бартараф этиш, хорижий туристларни рўйхатдан ўтказиш, туристлар учун автомобиль ташув хизматлари билан боғлиқ жараёнларни соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Туризм соҳасига хусусий секторни кенг жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, туризм бозорида самарали рақобат даражасини таъминлаш учун қулай шарт-шароит яратиш чораларини кўради. “Ҳар бир — оила тадбиркор” лойиҳасини туризм соҳасига кенг жорий этади. Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини йирик халқаро туризм бозорларида тарғиб этишга қаратилган самарали стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни муҳим, деб ҳисоблайди.

Туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ислоҳ қилиш, халқаро стандартлар талабларига жавоб берувчи умуммиллий профессионал таълим



тизими (тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш)ни жорий этиш, туризм соҳасидаги таълимга замонавий инновацион таълим стандартларини жорий этиш, юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш, Ўзбекистонда туризм соҳасида мутахассислар тайёрловчи етакчи халқаро олий таълим муассасалари филиалларини очиш чораларини кўради.



## VIII. Миллий ахборот маконини ривожлантириш соҳасидаги устувор йўналишлар

### “ИНТЕРНЕТ ЖАҲОН АХБОРОТ ТАРМОҒИДА МИЛЛИЙ КОНТЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИ ТАЛАБИ”

Партия миллий ахборот макони ва ахборот инфратузилмасини ривожлантирмай туриб, сўз эркинлиги ва ахборот очиқлигини таъминлашга эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Партия миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни ўз фаолиятининг давомий ва устувор вазифаси, деб билади. Бундай стратегия глобаллашув жараёнида халқимиз маданиятининг асослари дахлсиз сақланиб қолинишини, унинг янада ривожланишини, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнлари самарадорлиги оширилишини таъминлаши лозим.

Мамлакат равнақи шахсининг мутлақо мустақил фикрлаши, эркинлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Демократик жамиятнинг энг асосий кўрсаткичи ҳисобланган фикр ва сўз эркинлигини таъминлаш, Конституция ва қонунларда белгиланган сўз эркинлиги, шунингдек, танқид ва қарама-қарши фикрларга тоқатли бўлиш ҳамда оппозицияга тазйиқ ўтказмаслик ғояларини жамият ҳаётига сингдириш тарафдоримиз.

Оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлигини таъминлаш, уларни халқ билан мулоқот учун эркин минбарга айлантиришни қўллаб-қувватлаймиз. ОАВга оид қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, босма ва электрон воситаларни давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширамиз.

Партия глобаллашув шароитида миллатимизнинг ўзига хослигини сақлашни таъминлаш, унинг хавфсиз ахборот ривожини учун асос яратиш, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш, ташаббускор бўлишни ўз фаолиятининг устувор вазифаси, деб билади.

Интернет жаҳон ахборот тармоғида билимлар, ахборот маконини шакллантириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган маърифий ва фойдали веб-ресурсларни яратишни қўллаб-қувватлайди.

Очиқ ахборот маконини яратиш, шу жумладан, халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикаси эгаллаган ўрнини изчил яхшилаш



ва мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги индекслари юқори даражада бўлган илғор мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш учун ҳаракат қилади.

Бизнинг диққат эътиборимизда ҳар доим ОАВ фаолиятини эркин минбарга айлантириш каби долзарб масала туради. Партия ОАВни қонуний фаолиятини қўллаб-қувватлайди, улардан миллий маданият ва миллий кадриятларни ривожлантириш ва тарғиб қилишда фойдаланади.

Шу билан бирга, журналистлар ва блогерларнинг эркин фаолият олиб бориши кафолатини қонунчиликда янада такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ахборот тарқатишдаги масъулиятини ошириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси глобаллашув шароитида миллатимизнинг маданий ўзига хослигини сақлаш, унинг хавфсиз ахборот ривожини учун асос яратиш, давлатнинг ягона ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этишни ўз фаолиятининг устувор вазифалари қаторида кўради.

Биз болалар ва ёшлар саломатлигига зарар етказадиган ахборотдан ҳимоя қилиш учун хавфсиз ахборот маконини шакллантириш масалаларига катта эътибор қаратамиз, ахборотнинг салбий таъсирларидан ҳимояланган ёш авлодни тарбиялашдан манфаатдормиз.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун замонавий инновацион ахборот технологияларни жадал жорий этиш билан беvosита боғлиқ, деб ҳисоблайди.

